



Диёржон АБДУЛЛАЕВ,

Тошкент давлат педагогика университети, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: adn20@mail.ru

Ўзбекистон тарихи давлат музейи раҳбари, профессор, т.ф.д. Исмаилова Ж.Х. тақризи асосида

AWARD SYSTEM: ANALYSIS OF THE ESSENCE AND FUNCTIONS

Abstract

This scientific article is devoted to the analysis of the essence, form and functions of the reward system, the interpretation of the science of the award approach, the peculiarity of social and legal. In particular, the specific aspects, goals and objectives of the awards, which distinguish them from regular promotion, are defined. Also, scientific views and definitions on the essence and functions of the reward system are analyzed by the example of scientists from Uzbekistan and world countries.

Key words: Award, awarding, symbol, State Award, awarding work, awarding functions, insignia, medal, faleristics, award certificate

СИСТЕМА НАГРАЖДЕНИЯ: АНАЛИЗ СУЩНОСТИ И ФУНКЦИЙ

Аннотация

Данная научная статья посвящена анализу сущности, формы и функций системы вознаграждения, трактовке научного подхода к награждению, особенностям социально - правового. В частности, определены конкретные аспекты, цели и задачи премий, которые отличают их от обычной акции. Также анализируются научные взгляды и определения сущности и функций системы вознаграждения на примере ученых Узбекистана и стран мира.

Ключевые слова: Награда, награждение, символ, Государственная награда, наградная работа, наградные функции, знаки отличия, медаль, фалеристика, сертификат о награждении

МУКОФОТЛАШ ТИЗИМИ: МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Ушбу илмий мақола мукофотлаш тизимининг мазмун-моҳияти, шакли ва функциялари таҳлиliga бағишланган бўлиб, мукофотларнинг фанлараро ёндашуви талқини, ижтимоий-ҳуқуқий ўзига хослиги баён этилган. Жумладан, мукофотларнинг мунтазам рағбатлантиришдан ажратувчи ўзига хос жиҳатлари, мақсад ва вазифалари белгилаб берилган. Шунингдек, мукофотлаш тизими мазмун-моҳияти ҳамда функцияларига оид илмий қараш ва таърифлар Ўзбекистон ҳамда жаҳон мамлакатлари олимлари мисолида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: мукофот, тақдирлаш, рамз, давлат мукофоти, тақдирлаш иши, мукофотлаш функциялари, орден, медал, фалеристика, мукофот хужжати

Кириш. Замонавий технологиялар билан ривожланаётган мамлакатларда давлат ва ҳукуматнинг муҳим жиҳатларидан бири самарали натижа берувчи мукофотлаш тизими ҳисобланади. Бу тизимнинг асосий вазифаси кенг аҳоли қатламларини давлат ва унинг ҳукумати томонидан белгиланган устувор вазифаларни сидқидилдан бажаришга йўналтиришдан иборат. Бундан ташқари, бундай тизим фуқароларни ҳаёт ва фаолиятнинг турли соҳалардаги хизматларини, ўз мамлакати ҳамда ҳукуматининг манфаати йўлидаги жасоратларини тан олинганини таъминлайди. Мукофотлаш тизимини у ёки бу давлат ички сиёсатининг таркибий қисми сифатида қабул қилиш мумкин.

Маълумки, сиёсий тизим мураккаб тузилишга эга бўлиб, у институционал, ғоявий, меъёрий, коммуникатив, кадрят сингари таркибий йўналишларни камраб олади. Мукофотлаш тизими юқоридаги барча йўналишлар билан боғлиқлигини таъкидлаш мумкин ва бу унинг давлат умумий сиёсий тизимидаги эгаллайдиган ўрнининг муҳимлигини тасдиқлайди. Замонавий мукофотлаш тизими давлат институтлари қаторига киритилиб, мукофотлар давлат раҳбарлари, кунунчилик ёки ижро ҳокимиятининг олий органлари томонидан таъсис этилади. Улар жамят ҳаётини тартибга солувчи сиёсий нормалар ва ахлоқий принципларнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Умум-башарий кадрятлар жиҳатидан замонавий мукофотлаш тизими уларнинг ривожланиши бўйича умуммаданий

кадрятлар ва урф-одатлар билан ўзаро алоқдорликда бўлиб, сиёсий тизимнинг барқарорлашишига ёрдам беради [14, б.4]. Тарих фанидаги асосий тушунчалардан бўлган, ижтимоий ҳаётни доимий янгиланиш сифатида талқин этувчи «тарихийлик» тушунчасига асосланиб, замонавий мукофотлаш тизимларини аниқроқ тушуниб, уларнинг келажагини тасаввур қила оламиз. Мукофот – (араб. тақдирлаш, тўлов, товон пули) бирон бир фаолият соҳасидаги алоҳида ютуқлар учун рағбатлантириш шакли, шунингдек, кишининг ўз фойдали қилмиши, хатти ҳаракати учун қилинган совға, тортиқ маъноларини англатади [17, б. 633]. Ўзбекистон Республикасида пул ва натура кўринишидаги, яқка шахсларга ёки жамоага бериладиган мукофотлар мавжуд. Мукофотлар ўзининг даражасига кўра қуйидагиларга ажратилади:

- Давлат мукофотлари
- Жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотларнинг мукофотлари
- Корхона, муассасаларнинг ўз ходимларига берилган мукофотлари
- Ҳалқаро мукофотлар
- Мукофотлар шаклига кўра қуйидагиларни ўз ичига олади:
 - Орденлар
 - Медаллар
 - Фахрий унвонлар
 - Қимматбаҳо совринлар

- Пул мукофотлари

Мукофот – фарқлаш белгиси сифатида, алоҳида шахслар ҳамда жамоаларнинг жамият ва давлат олдидagi кўрсатган ҳайрли хизматларининг муносиб ва ўринли баҳоси саналади. Мукофот тизими шаклланиш ва ривожланиш тарихи махсус ёрдамчи тарих фани фалеристика томонидан ўрганилади. Яъни, алоҳида хизматлари учун алоҳида кишиларга ёки жамоларга тақдим этилган турли хил нишонларни ўрганувчи тарих соҳаси фалеристика (лотинча *phalerae* – жангчининг ялтироқ кўкрак безаги, ҳарбий фарқловчи белги) деб аталади. Фалеристика ўрганидиган нишонлар қаторига орденлар, медаллар, фахрий белгилар қабилад кирлади. Фалеристика геральдика ва нумизматика билан бевосита боғлиқ бўлиб, унда геральдик терминологиядан фойдаланилади.

Мукофотлар фақат икки 1) мавжуд ютуқ ва хизматлари учун тақдирлаш ҳамда 2) мукофотлангани ва бошқа шахсларни (ижтимоий гуруҳ) келгуси ижтимоий фойдали фаолиятга ундаш йўлидаги мақсадларни кўзлайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Мукофотлаш тизими бўйича илмий изланишлар олиб борган бир қатор тадқиқотчиларнинг асарларида мукофот мазмун-моҳияти, унга берилган таъриф ва тавсифлар кенгрок баён этилган. Масалан, айрим муаллифлар мукофотларнинг алоҳида вазифаларини қайд этганлар. Уйғониш даври алломалари мукофотлар учун жиноятчилик, ўғрилиқни олдини олиш ва яхши амалларни рағбатлантиришнинг самарали усули сифатида кўрсатганлар [1, б. 240].

Бир қатор олимлар, жумладан, Иеремия Бентам ўз даврида, ҳар қандай мукофотнинг мақсади жамият аъзоларини фойдали ишларни амалга ошириш томонига йўналтириш эканлигини таъкидлаган [12, б.448]. Томас Гоббс агар мукофот беминнат берилса, у бу фойдани берувчиларнинг иноятдан келиб чиқадиган фойдани ифодалайди ва мукофотловчиларга хизмат кўрсатишга инсонларни ундаш ёки уларга бу хизматларни кўрсатиш имкониятини бериш мақсадини кўзлаганлиги ҳамда рағбатлантириш фақат шараф билан миннатдор бўлиши ва кўрсатилган шараф учун хизмат кўрсатишга ҳаракат қилиши кераклигини таъкидлаган [3, б.244]. Гарчанд, бу гоёлар яратилганига 70 йилдан ошди вақт ўтган бўлсада бугунга қадар ўз аҳамиятини ўзгартирмай сақланиб келмоқда. Масалан, Б.А.Жалейко таъкидлашича, шарафли унвонларни бериш, бир томондан, давлат ва жамият фаолиятида у ёки бу инсон ёки жамоат томонидан эришилган муваффақиятларни жамоатчиликда тан олиш бўлса, бошқа томондан кундалик ишлаб чиқариш ва бошқа ишни, шунингдек, инсонларнинг жамоатчилик фаолиятларини яхшилашда муҳим рағбат ҳисобланган[5, б.37]. А.В.Малько мукофотни ижтимоий рамз деб атаб, бу билан унинг рамзий вазифасини кўрсатган[11, б.10]. Бир қатор муаллифлар мукофот мукофотланганга ўзига янада талабчанлигини ошириши, унда масъулият ҳиссини мустаҳкамлаши, уни янада сифатли ва самарали ишлашга ўзига хос ундашини таъкидлаганлар[2, б.90].

Шунингдек, бир қатор илмий ишларда мукофотлаш тизими вазифаларининг мажмуи таҳлил этилган. Масалан, О.В.Левин мукофотларга жамият аъзоларининг рағбатлантирувчи, интеграция, ижтимоий табақаланиш, тарбиявий функцияларини киритган[10, б.120]. О.Н.Розанов мукофотлар ва мукофотлаш тизимининг гоёвий, рамзий, коммуникатив ва интеграцияловчи қаби вазифаларини тавсифлаган[15, б.55-58]. В.М.Дуэль давлат мукофотларига нисбатан, рағбатлантиришга ундовчи мотивацион, ижтимоий назорат, баҳолаш, қадриятли-йўналтирилган, тарбиявий функцияларнинг асосий вази-

фаларини таъкидлаган[4, б.208]. О.М.Киселева давлат мукофотлари учун ижтимоий-рамзий, мотивацион-рағбатлантирувчи, ахборот-коммуникатив ва интеграцион-тарбиявий функцияларни ифодалаган ва мазмун моҳиятини очиб берган[8, б.574-575].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Юқоридаги таҳлиллардан айтишимиз мумкинки, мукофот тизимини батафсил тадқиқ қилганда, рағбатлантиришнинг энг олий даражаси сифатида мукофотларнинг хусусиятлари ҳамда ижтимоий ифода, гоёвий (тарбиявий), йўналтирувчи, номинатив, коммуникатив, интеграцияловчи, ижтимоий-ролли ҳамда эстетик қаби функцияларини бир бирдан ажратиш ва уларга холисона муносабат билдириш мақсадга мувофиқ.

1. Пул мукофоти (премия) функцияси - хизматни мукофотлаш, шахсга келтирган фойдаси учун рағбатлантириш, унга амалга оширган иши учун кўшимча фойда тақдим этишдан иборат.

2. Рағбатлантирувчи функция - шахсни мукофот олиш учун бирор-бир фаолият билан шуғулланишга ёки маълум натижага эришишга интилишга ундайдиган кучли мотивни берувчи вазифани бажаради[13]. Рағбатлантириш пунктида мукофотларнинг одатий рағбатлантиришлардан аҳамиятли фарқи кузатилади.

3. Ижтимоий тақдорлаш (ифодалаш) функцияси тақдирлаш рағбатлантиришга йўналтирилган ижтимоий аҳамиятли хулқни тақдорлашдан иборат. Мехнат психологиясида жамоатчиликда тақдирлаш тадбирлари қадриятли йўналганликларни яққол ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилиши таъкидланган. Бундай турдаги яхши ташкил этилган тадбирлар қадриятларни мустаҳкамлайди, маданиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган қахрамонларни эслаб қолишга ёрдам беради.

4. Мукофотларнинг гоёвий (тарбиявий) функцияси айрим хизматларни тақдирлашда бошқарув субъекти ижтимоий аҳамиятли хулқ моделларини қайд этади, улар орқали эса бошқарув объекти муҳитида муайян қадриятларни ва мафқурани назарда тутлади. Бу борада О.В.Левиннинг мукофот зиёлиларни[10, б.37], шунингдек Е.В.Сердобинцеванинг давлат мукофотларида тарбиявий аҳамиятнинг мавжудлиги[16, б.178] тўғрисидаги фикрини таъкидлаш мумкин. Жамоавий тасаввурлар тизими сифатида тақдирлаш тизимсиз мукофотлар ўзининг ижтимоий тартибга солиш функциясини бажара олмайди. Мукофотлар доим мафқура билан боғланган[15, б.57].

5. Йўналтирувчи функцияси - муайян тарзда ижтимоий гуруҳ аъзоларининг хулқини йўналтиришдан иборат. Мукофотнинг деонтик мазмуни «мумкин – лозим – мумкин эмас» училиги доирасидан чиқади, шунинг учун унинг фақат йўналтирувчи функцияси назарда тутилади.

6. Номинатив функцияси хизматларни (уларнинг хусусияти, даражаси, соҳаси ва бошқа кўрсаткичлари) ва мукофот эгасининг ижтимоий-ҳуқуқий мавқеини белгилашдан иборат. Мавжуд мукофот-объект ўз-ўзидан ўзининг соҳибига муайян ютуқларни ва мавқени белгилайди, унинг бошқарув субъекти ва объектига алоқадорлигини кўрсатади.

7. Интеграцияловчи функция - мукофотланган шахснинг бошқарув субъекти ва объекти билан ижтимоий алоқаларини мустаҳкамлашдан иборат. Мукофот олиш мукофотланганга қониқ ҳиссини беради[7, б.20], унда унинг хизматларини баҳолаган бошқарув объекти ва субъектига шахсий шарафи ва ҳурмати ҳиссини мустаҳкамлайди.

8. Мукофотларнинг эстетик функцияси - мукофот-объектни гўзаллик ва ташқи жозиба андозаси сифатида белгилайди. Шунинг учун ҳар қандай мукофот белгиси маданий ва бадиий қимматга эга санъат асарини бўлиши

шунингдек, қимматли метал ва тошлардан ясалади[6, б.5-8].

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Мукофотлаш тизимида дам олиш йўлланмаси (санатория) ёки бепул чипта, албатта назарий жиҳатдан қимматбахо совға шаклида бўлиши мумкин, лекин асосий мукофотлар учун хос ҳисобланмайди. Шунингдек, пул тўловлари (премия, стипендия), ижтимоий-ҳуқуқий имтиёзлар (ижтимоий кўмак чоралари) тақдирлаш белгиларидан фарқли равишда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек муайян шартлар асосида рағбатлантириш усули сифатида тақдим этилади ва вақт ўтиши билан бекор қилиниши мумкин. Мукофот белгиси бўлиб эса, мос мукофот номини берувчи мукофот рамзи асос бўлиб хизмат қилади.

Мукофотлаш тизимида мукофот рамзи билан тақдим этилувчи мукофот ҳужжатлари ҳам алоҳида ўринга эга. Масалан, В.Д.Кривцовнинг таърифи бўйича, мукофот ҳужжатлари – бу орден ёки медаль билан тақдирланганликни тасдиқловчи давлат ҳужжатлари бўлиб, тақдирлаш ҳужжатларига орден китобчаси, фахрий ёрлик, мукофот гувоҳномаси ва бошқалар кирди[9, б.7]. Шунингдек, мукофотлаш ҳужжати – бу қўлёзма ёки босма шаклдаги, тақдирлаш тўғрисидаги у ёки бу даражадаги аниқ ёзма баённомани ифодаладиган ҳужжат десак, муболага бўлмайди.

Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations). Шундай қилиб, мукофотлаш тизимини давлат сиёсати ва мафқурасининг муҳим воситалари қаторига киритиш лозим. Бугунги кунда давлат мукофотлари билан боғлиқ бўлган масалаларга бағишланган кўпгина оммабоп ва махсус нашрлар мавжуд. Шу билан бирга жаҳон мамлакатлари жумладан, Ўзбекистонда миллий сиёсат, уларнинг шаклланиши принциплари ва турли тарихий шароитларда мукофотлаш тизими ривожланишига ёрдамлашувчи восита сифатидаги мукофотлаш тизимларининг комплекс тадқиқ этилиши вазифаси етарли даражада бажарилмаган. Айниқса, янги Ўзбекистон ҳамда хорижий мамлакатларда мукофотлаш тизимининг аҳамияти ва роли яқин истиқболда ўсиб бораётганлиги ушбу мавзунинг долзарблигини янада оширади. Малакатимизда фаровон жамиятни қарор топтириш, жаҳоннинг етакчи давлатлари орасидаги ўрнини таъминлаш, глобал хавф-хатарларга қарши курашиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифалари ва қатор бошқа омиллар ҳамда талаблар миллий мукофотлаш тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишни тақозо этади. Бу жиҳатдан бундай тизимларнинг келиб чиқиши ва ривожланишининг нафақат тарихий жараёнларини таҳлил қилиш, балки бошқа мамлакатларнинг ижобий ёки салбий тажрибаларини ўрганиш ва инobatта олиш жиҳатидан комплекс тадқиқ этиш амалий аҳамиятга эгадир.

АДАБИЁТЛАР

1. Беккария Ч. О преступлениях и наказаниях. – Москва: Стелс, 1995. - С. 240.
2. Бельский К.С. Персональная ответственность в советском государственном управлении (понятие, формы, факторы укрепления). – Москва: РИО ВЮЗИ, 1988. - С. 90.
3. Гоббс Т. Левиафан или Материя, форма и власть государства церковного и гражданского. – Москва: Соцэкгиз, 1936. - С. 244.
4. Дуэль В.М. Система государственных наград России: пути становления и развития // Вестник Волжского университета им. В.Н. Татищева. Вып. 51. – Тольятти: ВУиТ, 2005. С. 208.
5. Жалейко Б.А. Совершенствование законодательства о почетных званиях союзных республик // Советское государство и право. 1978. № 3. С. 37.
6. Зырянова А.В. Дизайн наградных переходящих кубков: Автореф. дисс. ... канд. техн. наук. – Москва, 2012. 5–8.
7. Каданцев П.С. Ордена России. – Рязань: Новое время, 1993. С. 20.
8. Киселева О.М. Наградная политика // Правовая политика России: теория и практика / Под ред. А.В. Малько и Н.И. Матузова. – Москва: ТК «Велби»; Изд-во «Проспект», 2006. С. 574–575.
9. Кривцов В.Д. Аверс № 6. Каталог-определитель советских орденов и медалей. – Москва: Аверс, 2003. С. 7.
10. Левин О.В. Государственные награды в Российской Федерации: значение и проблемы правового регулирования // Проблемы юридической науки: современное состояние и перспективы развития: Сборник научных трудов. – Саранск: Ковчег, 2007. С. 36–37;
11. Малько А.В. Правовое стимулирование: проблемы теории и практики // Правоведение. 1994. № 3. С. 10.
12. Покровский П. Бенгам и его время. – Пг.: Тип. А.Э.Коллинс, 1916. С. 448.
13. Пятыгин А.А. Боевые награды римских легионеров // Нумизматика. 2008. № 18.
14. Розанов О.Н. Наградные системы в политике и идеологии стран Северо-Восточной Азии. Москва: Памятники исторической мысли, 2008. - С. 4.
15. Розанов О.Н. Наградные системы в политике и идеологии стран Северо-Восточной Азии: Автореф. дисс. ... д-ра ист. наук. – Москва, 2010. С. 4, 7, 54, 55, 57–58.
16. Сердобинцева Е.В. Наградная система Российской Федерации // Российский юридический журнал. 2010. № 2. С. 178.
17. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 633.



Санабар ДЖУРАЕВА,

Ўзбекистон Миллий университети докторанти (DSc)

Т. ф.д профессор Хурида Эркиновна Юнусова тақризи асосида

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ТЕРМИЗ САЙИДЛАРИ НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ СУЛТОН САОДАТ ЗИЁРАТГОҲИ

Аннотация

Ушбу мақолада Сурхондарё вилояти Термиз туманида жойлашган Султон Саодат (XI-XIX асрлар) ёдгорлик мажмуи ва унинг шаклланиш тарихи, у ерда ҳоки ётган Пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в) авлоди бўлган Термиз сайидларининг ҳаёт-фаолияти бир қатор манба ҳамда адабиётлар таҳлили остида батафсил баён қилинган.

Калит сўзлар: Термиз сайидлари, хўжалар, Худовандзода, сайидлар мақбараси, шаҳри Сомоний, мазор, гумбаз, ганч сувоқ.

ПАЛОМНИК СУЛТАН САОДАТ ИМЕНИ ТЕРМИЗА САЙИДА В СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Аннотация

В статье анализируется мемориальный комплекс султана Саодата (XI-XIX вв.) в Термезском районе Сурхандарьинской области и история его формирования, жизнь и деятельность термезских сайидов Пророка Мухаммеда (сааса), проживавших в нем. Подробно описаны. ниже.

Ключевые слова: Термезские сайиды, ходжи, Худовандзода, мавзолей сайидов, город Сомони, мавзолей, купол, гипсовая штукатурка.

SULTAN SAODAT PILGRIMAGE NAMED AFTER TERMIZ SAYYIDS IN SURKHANDARYA REGION

Annotation

This article analyzes the Sultan Saodat (XI-XIX centuries) memorial complex in Termez district of Surkhandarya region and the history of its formation, the life and activities of Termez sayyids of the Prophet Muhammad (saas) who lived there, described in detail below.

Key words: Termez sayyids, khojas, Khudovandzoda, sayyid mausoleum, Somoni city, mausoleum, dome, plaster plaster.

Маҳаллий аҳоли орасида ўзига хос мавкега эга бўлган объект бу Термиз тумани Намуна жамоа хўжалигида жойлашган Султон Саодат мажмуидир. У ерда XI-XIX асрлар мобайнида Термиз сайидларининг оила вакиллари дафн этилган. “Сайид” сўзи араб тилида “жаноб” деган маънони англатади, шунингдек, Муҳаммад (с.а.в.)нинг неваралари Ҳасан авлоди “шариф” ва Хусайн авлоди “сайид” унвонлари билан алавий сайидлар, алоҳида хусайний ёки ҳасайний сайидлар, деб юритилган. Сайидлар Яқин Шарқ ва Мағриб ўлкаларида, кўпроқ Саодат, ашраф ёки ашриф номлари билан машхур бўлишган. Тадқиқотчи олим Ў.Султоновнинг фикрича, Ўзбекистон худудида сайидлар авлодининг тарқалиши тахминан IX-XIII асрлар сиёсий ва демографик омиллар таъсирида Мовароуннахр ва Хуросонга кўчиб келишганини қайд этади. Сайид унвонига эга бўлганлар ўрта асрларда Марказий Осиёнинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнаган.

Термиз сайидлари номи асрлар давомида Термизда тасаввуф таълимоти ривожланиб, мактаблар шаклланишини кўрсатади. Н.Турсунов XVII аср бошларида Термиз сайидлари шажараси араб тилидан форс тилига ўтирилганда хўжа термини пайдо бўлгани ва бу сайидларни хўжалар, деб аташ ҳам умумий маънода қабул қилинганини маълум қилади.

Тарихчи олим С.Турсуновнинг келтиришича, Али ибн Абу Толибнинг Фотимадан туғилган ўғли Хусайн сўнги Сомоний шоҳи Язидгарднинг қизига уйланади. Улардан Хусайн ал-Асгар, ундан эса, Убайдулло дунёга келади. Халифа ал-Мансур даврида (754–755) Амир Убайдулло, деб эълон қилинади. Унинг ўғли Жаъфар ал-Хужжат Мадина ҳокими бўлган. Термиз сайидларининг асосчиси Ҳасан ал-Амир Жаъфар ал-Хужжатнинг ўғли

Амир Хусайннинг фарзандидир. Ҳасан ал-Амир ўзининг яқинлари билан 850 йилда Самарқандга келиб, у ерда 11 йил яшайди ва 861 йили Балхга кўчади. Тахминан 865 йилда Ҳасан ал-Амир Термизга бориб у ерда бутунлай ўрнашиб қолади.

Термизлик Сайид Амир Абдулло Исмоил Сомонийнинг қизи Махзума (ёки Моҳи сиймо) га уйланади. Уларнинг фарзандларидан бошлаб, термиз сайидлари исми-шарифига XVII асргача Худовандзода лақаби қўшилган. Ўрта асарларда ҳозирги Султон Саодат мақбараси жойлашган худуд “Шаҳри Сомоний” номи билан ҳам аталган. Термиз сайидларининг мақбараси ҳисобланган Султон Саодат сомонийлар даврида қурила бошлаган ҳамда газнавийлар даврида мажмуанинг асосий қисми қад кўтарган.

Чингизхон босқини даврида Термиз вайрон қилинган бўлса, XIII-XIV асрларга келиб, Термиз сайидлари фаолияти билан шаҳар янгидан юксалади. Бу тўғрида Ибн Баттута ҳам ўз кундаликларида қайд этиб, Термиз ҳукмдори Ало ал-Мулк Худовандзода (“Хованд” сўзи қисқа шакли Чигатой улуси хони Бузан (1335–1338)га қарши курашда иштирок этади ва хон урушда қатл қилинади. Шундан бошлаб, Термиз “Мадинат ар-рижол” (Мардлар шаҳри) деб юритилади.

Термиз сайидларининг Амир Темур ва унинг хонадони билан ҳам боғлиқлик жиҳати бўлган. Соҳибқироннинг пирлари шайх Сайид Барака ва сайид Шамсиддин Амир Кулол номи билан боғланган бўлса, Темур авлодларининг Термиз сайид авлодлари билан қандайдир бўлиши орқали Қашқадарёда ҳам Термиз сайид авлодларининг вакиллари вуҷудга келган. “Гумбази сайидон” уларнинг оилавий мақбарасига айланган.

Россия империяси даврида Термиз саййидлари ўзларининг азалий маскани бўлган Саловат қишлоғидан кўчирилган. Шу даврда Султон Саодат мақбараси шайх Азизхўжа Бухоро амири Абд ал-Аҳад (1885–1910) ҳузурига бориб, Термиз ҳудудидаги ерлар саййидлар сулоласига тегишли экани тўғрисидаги ҳужжатни топиради. Шу тарихда Термиз саййидларининг фаолияти ўз-ўзидан барҳам топади.

Маҳаллий аҳоли орасида ўзига хос мавкега эга бўлган объект – Термиз тумани Намуна жамоа ҳўжалгида жойлашган Султон Саодат мажмуидир. XI-XIX асрлар мобайнида Термиз саййидларининг оила вакиллари дафн этилган. Тарихчи олим С.Турсуновнинг фикрича, бу мажмуада дастлаб, IX асрнинг иккинчи ярмида вафот этган пайғамбар авлодларидан бўлмиш Ҳасан Амир мақбараси бунёд этилган. Ушбу мажмуа 20 га яқин мақбара ҳамда 170 тагача қабри ўз ичига олади.

Султон Саодат мемориал мажмуаси XI-XVII асрларда термиз саййидлари сулоласига тегишли мақбара сифатида шаклланган. Б.П.Денике мақбара орнаментларига асосланган ҳолда уни XI асрга мансуб эканини қайд этади. Унинг дастлабки асосини 2 та мақбара (XII) ташкил этиб, XV асрда масжид вазифасини бажарувчи айвон билан бирлаштирилган. Тарихчи олим Жалолиддин Мирзо мақбараларнинг энг қадимгиси сомонийлар даврида, асосий қисми Темур томонидан қурилганини қайд этади. У ўз даврининг таниқли меъморлари томонидан ганч-ўймакор безаклари билан ишланган. Мажмуа асоси Пайғамбар авлодларидан бири Саййид Ҳасан ал-Амр сағанаси устида бунёд этилган. 1898 йилда Москва антропология ва этнография жамияти аъзолари томонидан олиб борилган текширувга кўра, А.А.Семенов марказий порталдаги ёзувларга асосланган ҳолда уни Султон Саид ал-Муҳаммад, умуман, Ҳасан авлодлари қурдирган мақбара, деб изоҳлайди. Шунинг учун Хусайн мақбараси саййидлар ва маҳаллий мусулмон уламо-ларининг юқори табақаси, сулоласи ва мақбараси деган ном билан улуғланади.

Хофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” аса-рида Амир Темур вафотидан кейин XV асрда Термизни эгаллаган набираси Халил Султон зиёрат учун келиб, уни қайта таъмирлатгани ва худудни кенгайтиргани ҳақида маълумот келтирилади. Мақбаранинг кўндаланг қисмида меҳроб жойлашган, ҳар иккала мақбарада ҳам марказий композициядан фойдаланилган, пиширилган ғишт конструктив ва безакли материал вазифасини бажарган. Ҳар иккала мақбарада қабр тоши мавжуд бўлиб, у ўз даврининг безаги қандай бўлганини кўрсатиб беради. XV асрнинг бошида мақбара портали юқорига кўтарилиши ва ёрқин рангли плиталардан фойдаланилиши кузатилади. XV асрнинг иккинчи ярмида ҳар иккала мақбарада иккита янги бинони вестибюл бирлаштиради.

Султон Саодат мақбарасининг ўрганилиши дастлаб, 1906 йилда Россия география жамияти ва ботаника боғининг кўмагида Р.Ю. Рожевицнинг Термизга келиши билан бошланган ҳамда Султон Саодатни энг кўркем ва энг чиройли, деб баҳолаган. Унинг фикрича, биринчи қисмида қабрлар жойлашган бўлса, иккинчи қисмида мулалар яшаган. Шуниси диққатга сазоворки, барча бинолар нақшинкор бўлиб, гумбаз ғишлари бир қатор қилиб терилган. Обиданинг ташқи томони рангли кошинкор бўлиб, унда юлдузлар ва маржонсимон гуллар тасвирланган. Рангли кошинларнинг ҳажми 1 смдан 0,5 аршингача (1 аршин 0,71 м) ташкил этади. Кошинлар оқ, кўк, мовий ва тилла рангли қилиб ишланган. Мажмуанинг иккинчи қисмида обиданинг ички хоналари сувок қилиниб, баъзилари оқ ва кўнгир рангларга бўялган.

Мазкур масалада жиддий тадқиқотни А.А.Семенов эълон қилган бўлиб, муаллиф томонидан Термиз саййидлари ёритилган кўлэмаларнинг ишга жалб қилиниши билан муваффақиятли яқунланган. 1923 йилда шарқшунослар ассоциацияси йўналиши бўйича ўрганган олим М.Г. Вячеслов Афғонистон билан бирга, Термизни ҳам тарихий ракурсда ўрганади. Унинг фикрича, Султон Саодат мажмуаси Султон Амир Хусайн Саодат ва Хўжа Аслар масжидидан ташкил топган. Бундан ташқари, Султон Саодатнинг ташкил топиш санасини мусулмон архитектурасининг қадимги даврига тегишли эканини келтиради. 1938 йилда Г.А. Пугаченкова раҳбарлигида ўтказилган экспедиция мақбарада ҳар жиҳатдан текширув ишларини олиб борди. 1965 йили текширувлардан олинган хулосага кўра, Султон Саодат мураккаб ва йирик архитектура ёдгорлиги сифатида бир неча асрлар давомида шаклланиб, ўз даври тўпланган музейини ташкил этиши, даври X-XI асрлар ва XVII асрлар билан яқунланишини қайд этади. Шу даврда Султон Саодат ҳовли, айвонли масжид ва пештоқли хоналардан иборат бўлган. Бу мажмуада бошқа ёдгорликларда кузатилмаган композицияли ва техник архитектура ютуқларини кўриш мумкин. Бу мақбарадаги ноодатий иккита бирлаштирилган масжид кўзга ташланади.

Агар мазкурларни типологиясига эътибор берсак, уларнинг гумбазли бир ва кўп камерали ҳамда кенг ташкил этилганлиги билан изоҳланади. Марказий Осиёдаги меъморий ёдгорликларнинг аксарияти, айниқса, IX ва XX аср бошидагиларнинг композицияси бир камерали гумбаздан, X-XIX асрларда эса, конгломерат кўп камерали шаклдан ташкил топган. Дахлиз композициялари ўзига хос бўлиб, масалан, Султон Саодатда дахлиз йўлак кўриниши композицияни ўз ичига олиб, кенг ва узун хонадан иборат бўлиб, мажмуани тўлиқ ҳолда кўриш имконини беради.

Султон Саодат мақбараси нақшинкор пишиқ ғиштдан терилган бўлиб, девор қисми ўзига хос янги унсурлар билан бойитилган геометрик шаклда безатилган. Мақбаранинг олд томони шарққа қаратилган бўлиб, турли шаклдаги ғиштлар билан ишланган. Юқори қисмининг икки қатори кенг гумбазли бўлиб, кичик ўрта гумбаз қисми кириш пештоқига уланган. Мажмуанинг энг қадимги қисми XI асрга тегишли мақбарадир. Мақбаралар пештоқ ва гумбазли чорсу хоналар (9x9, 05 м ва 10, 15x10,25 м) дан иборат. Шунингдек, ҳовли тўридаги пештоқ ва икки қанотидаги гумбазли мақбаралар бир хил тарҳда, жануб тарафидаги мақбара зиналар ҳисобига кичикроқ кўринади. Шимоли ғарбидаги мақбаранинг қурилма ва безаклари оддий ғишт (27x27x5 см)дан жуфт-жуфт ҳолда терилиб, мавжли безак ҳосил қилинган ҳамда ички хона девораларига хошияли бўртма равоклар ишланган.

Жануби-ғарбдаги мақбара шимоли-ғарбдагисидан бир оз кичик, шакли оддий, ганч сувокли. Мазкур икки мақбара орасидаги пештоқли супа тўрига меҳроб жойлашган. XIV асрда икки мақбарани боғловчи равок қурилиб, унинг ташқи томони кесма хаворанг ғишталар билан безатилган. XV асрда безак бериш санъати янада ривож топиши натижасида даҳмага кўшимча буёқ ва чирой берилади. Шу даврда термизлик саййидларнинг бошқа даҳмалари ҳам барпо этилиб, уларнинг аксариятига пуштиранг буёқ берилган ва гумбазига айланма зинапоя ишланган. 1881 йилда Термизга ташриф буюрган француз сайёҳи Г.Бунвало обида ёнида масжид борлиги ҳақида маълумот бериб, уни Қарши ва Бухородаги масжидлар билан бир хил усулда қурилган, деб ҳисоблайди. Султон Саодат мақбаралар мажмуи кейинги йилларда таъмир-ланиб, муқаддас зиёратгоҳга айлантирилди.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи муносабати билан 2001-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси

билан Султон Саодат макбаралар мажмуи қайтадан таъмирланган.

АДАБИЁТЛАР

1. Бабаджанов Б.М. Садат-и Термез // Ислам на территории бывшей Российской империи. Том 1. – М.: Восточная литература, 2006.
2. Ботиров И.Т. Эски Термиз тарихий манбаларда (XIX-XX аср бошлари). –Т.: Фан, 2010
3. Жалолитдин Мирзо. Термиз саййидлари. – Самарқанд: Археология институти, 2001.
4. Жалолитдин Мирзо. Термиз тарихи. – Т.: Шарқ, 2001.
5. Искусство зодчих Узбекистана. Под ред. Г.А. Пугаченкова. – Т.: Фан, 1969.
6. Маданий мерос департаменти архиви. СД-6405 фонд, Л-рўйхат, 65-иш, 4-8 варақлар.
7. Маданий мерос департаменти архиви. СД-9154 фонд, Ф-рўйхат, 53-иш, 11-32 варақлар.
8. Маданий мерос департаменти архиви. СД-1531 фонд, М-рўйхат, 31-иш, 116-119 варақлар.
9. Маданий мерос департаменти архиви. СД-6405 фонд, Л-рўйхат, 65-иш, 5-47 варақлар.
10. Маданий мерос департаменти архиви. СД-9733 фонд, К-рўйхат, 12-иш, 4-47 варақлар.
11. Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX- начало XX в.) Отв. Ред. Г.А. Пугаченкова. – Т.: Фан, 1980.
12. Мирзаев Ж. Термиз саййидлари. – Самарқанд: Археология институти, 2001.
13. Пугаченкова Г. Термез. Шахрисябз. Хива. – М.: Искусство, 1976.
14. Рожевиц Р.Ю. Поездка ва Южную и Среднюю Бухару в 1906 году. – Спб, 1908.
15. Ртвеладзе Э.В., Аршавская З.А. Архитектурный комплекс Зул-Кифл // САУ, – 1978. №1
16. Семенов А.А. По границам Бухары и Афганистана (Путевые очерки 1898 года) // Исторический вестник. 1902. №4.
17. Семенов А.А. Происхождение термезских сейидов и их древняя усыпальница Султан-Саодат. Протоколы и сообщения Туркестанского кружка любителей археологии. – Ташкент. 1914.
18. Султонов Ў. Ўрта Осиёда Саййидлар хонадонларининг шаклланиши хусусида // Imom Vuxoriy saboqlari. – 2018, 1-сон.
19. Турсунов С. Термизий буюк сиймолари. – Т.: Шарқ, 2002.
20. Турсунов Н. Сурхондараё воҳаси хўжалари // Moziydan sado. – 2018, 3(79)-сон.
21. Турсунов С.Н., Чориев Р.Қ., Муртазов Б.Х., Чўтматов Ж.О. Имом Абу Исо ат-Термизий ва термизлик алломалар. – Т.: Yangi nashr, 2019.
22. Турсунов С., Рашидов Қ, Бойсун. Т: Akademnashr, 2012.
23. Турсунов С. Сурхон воҳаси архитектураси: ўтмиш ва бугун. – Т.: Yangi nashr, 2014.
24. Хакимов З.А., Шваб Ю.З. “Султон Саодат” в сборнике искусство зодчих Узбекистана. Вып. 4. – Ташкент, 1969.
25. Холиёров А., Бичков Д., Блинные А. Сурхондарё области. Қисқача справочник. – Т.: Ўзбекистон, 1970.
26. Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2001.
27. ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 253-иш, 9-19 варақлар.
28. ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-руйхат, 350-иш, 250-255 варақлар.
29. ЎзМА, ф. 394-жамғарма, 1-руйхат, 252-иш, 14-20 варақлар.
30. Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. – Т.: Yangi nashr, 2017.
31. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Тасаввуф хақида тасаввур. –Т.:Hilol nashr. 2016.



УДК: 061.62:622(09 (470.21)

Nargiza KAMOLOVA,
Xorazm Ma'mun akademiyasi tayanch doktoranti
E-mail: nargiza.kamolova.89@mail.ru

TTA Urganch filiali "Ijtimoiy fanlar" kafedrasini mudiri, tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) Z.Q. Abidova taqrizi asosida

XIVA XONLIGI DAVRI QISHLOQ XO'JALIGI ISHLARI VA MEHNAT QUROLLARI

Abstract

Xorazm vohasi aholisi uch – to'rt ming yildan beri dehqonchilik bilan shug'ullanib, tabiatning injiqliklarini yengan va xo'jalikning bu turi bo'yicha ko'plab yutuqlarni qo'lga kiritgan. Yevrosiyo kengliklarida ayniqsa, Xorazm vohasi aholisi eng qadimiy o'tiroq dehqonlar sifatida bilinadi. Ular o'zlari yashayotgan hududning tabiiy shart – sharoitlariga ko'nikma hosil qilib, ko'p asrlik tajribalari natijasida tabiat va inson orasida "o'zaro muloqot"ni yo'lga qo'ygan, ya'ni atrof – muhitga imkon qadar zarar yetkazmasdan, zamonaviy til bilan aytganda ekologiyani buzmasdan yerdan foydalanib kelishgan.

Kalit so'zlar: zarar keltiruvchi qushlar, dala qo'riqchilari, chigirtkalar, mola, omoch, bel, ketmon.

ХИВИНСКИЙ ХАНАТСКИЙ ПЕРИОД СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫЙ РАБОТА И ТРУДОВЫЕ ИНСТРУМЕНТЫ

Аннотация

Население Хорезмского оазиса занимается земледелием на протяжении трех-четырёх тысяч лет, преодолевая капризы природы и добился успехов, которые положили начало этому виду земледелия. В евразийских широтах, особенно в Хорезмском оазисе, Приспосабливаясь к естественным условиям местности, в которой они живут благодаря многовековому опыту установил «диалог между собой» между природой и человеком, то есть, говоря современным языком – они использовали землю, не нанося максимально возможного вреда и не нанося ущерба окружающей среде.

Ключевые слова: птицы которые наносят вред, полевые стражи, саранча, мола, омоч, бел, кетмен.

KHIVINSKY KHANAT PERIOD AGRICULTURAL WORK AND LABOR TOOLS

Abstract

The population of the Khorezm oasis has been engaged in agriculture for three to four thousand years, overcoming the vagaries of nature and achieved the successes that laid the foundation for this type of agriculture. In the Eurasian latitudes, especially in the Khorezm oasis, Adapting to the natural conditions of the area in which they live, thanks to centuries of experience, established a "dialogue between themselves" between nature and man, that is, in modern language they used the land without causing the maximum possible harm and without harming the environment.

Key words: birds that harm, field guard, locusts, mola, omoch, bel, ketchmen.

Kirish. Xiva xonligi davrida aholi nafaqat dehqonchilik mahsulotlarini ekish bilan balki, ularni bir qancha zararkunandalardan asrash ishlari bilan ham band bo'lganlar. Zero, Xorazm dehqonchiligining asosiy zararkunandalari bu qushlar, hayvonlar, kemiruvchilar va chigirtkalar bo'lgan. Bundan tashqari noqulay iqlim sharoiti, ya'ni issiq garemshel, qum bo'ronlari, jazirama issiq va yomg'irli kunlarning bo'lmasligi ham dehqonlar uchun talay qiyinchiliklar tug'dirgan.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review). Dehqonchilikda ekinlarga va hosilga asosiy zarar keltiruvchi vositalardan biri asosan qushlar (musicha, ola hakka, chumchuq, mayna va boshqa turdagilari) bo'lgan. Ular tomonidan ikkita mavsumda ekinlarga zarar yetkazilgan. Birinchisi bahorda ekinlar ekilgan vaqti bo'lib, ya'ni urug' sochilganidan keyin yer yuzasiga chiqib qolgan donlarni ayniqsa, oq jo'xori va makkajo'xori urug'larni yeyish uchun qushlar galasi yopirilib kelganlar. Kuz faslida hosil pishib yetilgan davrda donli boshloqlarni yeyish uchun gala – gala bo'lib kelganlar va hosilning kamayishiga sezilarli darajada ta'sir ko'rsatganlar. Dehqonlar qushlardan ekinlarni va hosilni himoya qilish uchun bir necha usullarni o'ylab topganlar. Bunday usullardan biri dala qo'riqchilarini ((Xorazmning ayrim joylarida qaroqchi deyilgan) kichik yog'ochdan yasalgan, eski kiyimlar kiydirilgan, inson qiyofasidagi katta qo'g'irchoq bo'lib, u ekin maydonining o'rtasiga baland qilib o'rnatilgan. o'g'irchoq harakatlantirilgan va shu yo'l bilan

ularni haydaganlar) ekin maydonlariga qo'yish orqali ularni cho'chitish bo'lgan. Ikkinchi usul katta ekin dalalari va bog'lar o'rtasiga loydan baland qilib qurilgan minoralarga kesaklar uyum – uyum qilib yig'ib qo'yilgan. Qushlar galasi hosilga uchib kelgan payti, aholi shu kesaklarni otish orqali ularni daladan haydaganlar. Bu qushlar galasi bog'dorchilikka ham katta zarar yetkazganlar. Ular bilan kurashish uchun mevalarining ustiga yantoq, shox – shabba tashlab chiqilgan. Shu orqali ekinlar va hosillar jazirama issiqdan ham himoya qiligan. Mevali daraxtlarga kelgan qushlarni buyumlarni bir – biriga urib qattiq tovush hosil qilish yo'li bilan ham haydaganlar. Ba'zi hollarda bu buyumlar daraxt shoxlariga shunday o'rnatilganki, yengil shamolda ham ular bir – biriga tegib, qushlarni cho'chitadigan tovush chiqarib turgan. Mevalarni shu yo'l bilan qushlardan himoya qilganlar. Mevali daraxtlarga asosan yirik qushlar, ya'ni mayna va olahakka katta qiron keltirgan.

Chigirtkalar bilan esa quyidagicha kurashilgan. Ular uchib yuruvchi hashorat bo'lganligi uchun buyumlarni bir – biriga urib, qattiq tovushlar chiqarib haydaganlar. Yana bir samarali usuli chigirtka urug' qo'ygan dala maydonlari yaxshilab haydalgan va to'yintirib sug'orish orqali ularning lichinkalari qirib tashlangan.

Erta bahordagi meva gullarini sovuq urushidan himoya qilish maqsadida bog' va dalalarning o'rtasiga daraxt shoxlarini yoqib, tutatib qo'yganlar.

Xiva xonligida bahor faslida issiq garemse va qum bo'ronlari ko'p kuzatilgan. Ulardan himoyalaniş uchun aholi kichik dala va bog'lar atrofini paxsa devorlar bilan o'rab olganlar, ularning atroflariga himoya maqsadida daraxtlar ekib chiqilgan. Katta ekin maydonlari atroflariga terak va tut daraxtlari ko'plab ekilgan. Teraklar qum bo'ronlaridan ihota vazifasini bajarsa, tut daraxti esa yerning zaxini o'ziga tortib olgan va tuproq namligini bir me'yorda saqlab turgan. Qum ko'chishining oldini olish uchun cho'llarda bir nechta kichik suv hovuzlari tashkil etganlar. Bu hovuzlardagi suv namlikni ushlab turgan. Qumdan himoyalanişning yana bir yo'li iste'moldan ortiqcha suvlarni qumli yerlarga tashlaganlar. Shu tariqa keyinchalik cho'l hududlari aholi tomonidan asta – sekin o'zlashtirilib borilgan. Mazkur o'zlashtirilgan yerlarda piyoz va qovun yetishtirganlar.

Xiva xonligida dehqonchilik mahsulotlaridan yuqori hosil olishda nafaqat unumdor tuproq va qulay iqlim sharoiti, balki mehnat quollarining ahamiyati ham katta bo'lgan. Xiva xonligida voha dehqonchiligida bir qator tarkibiy o'zgarishlar sodir bo'lgan, ammo mehnat quollari va agrotexnikasi rivojlanmasdan arxaik tarzda qolavergan. 1873 yil chop qilingan maqolada [1] Xiva xonligidagi yerga ishlov beradigan mehnat quollarining juda oddiyligi haqida aytiladi. XVIII – XX asrlarda ham Xiva xonligi dehqonchilik madaniyati moddiy – texnik jihatdan juda qoloq bo'lib, dehqonchilik texnikasi mola, omoch, bel va ketmondan iborat bo'lgan. [2] Arxeologik tadqiqotlarning natijalariga ko'ra, yer haydash va ekin maydonlariga ishlov berishda foydalaniladigan mehnat quollari ming yillar davomida deyarli o'zgarishsiz qolgan va mazkur ziroatchilik quollaridan XX asrning 30 yillarigacha aholi tomonidan keng foydalanib kelingan. [3] Butun O'rta Osiyoda bo'lgani singari Xiva xonligida ham yerni ishlashdagi asosiy mehnat quollaridan biri omoch bo'lgan [4] va ushbu mehnat quoli turli joyda turlicha (umich, omoch) nomlangan. [5] Xiva xonligida omoch "kunda" [6] deyilgan. Omoch nafaqat Xorazm vohasida, balki O'rta Osiyoda deyarli bir xil bo'lib, tabiiy – geografik sharoitlariga ko'ra yasashida ba'zi jihatlari bilan farq qilgan. Gladishev va Muravinlar uni Xiva xonligidagi mehnat quollarining ichida eng arxaigi deb ta'riflagan. [7]

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology).

Tadqiqot jarayonida tarixiy tadqiqotning xolislik va tarixiylik tamoyillari hamda xronologik, tizimlilik, qiyosiy tahlil, arxiv materiallarini tahlil qilish, ijtimoiy so'rovnoma usullaridan foydalanildi.

Tahlil va natijalar (Analysis and results). O'rta Osiyoning turli hududlarida omoch turli daraxtlardan tayyorlangan. Jumladan, Toshkent va Farg'ona viloyatlarida o'rik, qayrag'och, yang'oq, tut va jiydadan, [8] Surxon vohasida o'rik va tutdan, Xorazmda esa jiyda, tut, o'rikdan tayyorlangan. Omochdan 2 yildan 15 yilgacha foydalanilgan. Uzoq vaqt davomida foydalanilgan omochning yerni sifatli ag'darish imkoniyati pasaya borgan, chunki uzoq foydalanilgan omochning pastki korpusi yedirilib, g'ulaning tovoni tekislanib qolgan. [9] Omochlar turli o'lchamda yasalgan. Uni yasashda qo'shga qo'shiladigan hayvonning kattaligi va kuchi, haydaladigan yerning hajmi, uning qanday materialdan yasalganligi inobatga olingan. Ushbu mehnat quoliga asosan qo'sh ho'kiz qo'shilgan va otlardan deyarli foydalanilmagan, chunki ular tez charchab qolgan va yerni unumli va tekis haydolmagan hamda ulardan foydalanish dehqonlarga juda qimmatga tushgan. Ba'zi paytlari tuyalardan foydalanilgan, eshaklardan esa ho'kizi bo'lmagan kambag'al dehqonlar foydalanganlar. Bu mehnat quoli voha aholisi uchun arxaik bo'lishiga qaramasdan, hozirgacha ayrim joylarda saqlanib qolgan. Xiva xonligida kundaning yer haydaydigan qismi cho'yandan ishlangan turi (Xiva xonligida omochning cho'yandan yasalgan uchki qismiga poza deyilgan

va uni yasaydigan ustalar pozachilar bo'lgan.) va yer haydaydigan qismi yog'ochning o'zidan yasalgan turi ham mavjud bo'lgan, lekin uning temirdan ishlangan turi [10] kam uchragan. Buni Xiva xonligida temirchilik rivojlanmaganligi bilan izohlashimiz mumkin. Chunki bu davr manbalarida kerakli temir mahsulotlari, cho'yan, mis, temir qo'shni Rossiyadan keltirilganligi haqida ma'lumot beriladi. [11]

Belkurakdan yerni tekislash va ariqlarni qazishda foydalanilgan. Aqcha-Gelindagi qazilmalarda XIII – XIV asrlarga oid belkurak topilganligi, [12] mazkur mehnat quolining Xiva xonligi davrigacha ham dehqonchilikda keng foydalanilganligini tasdiqlaydi. Uning yer ag'daridigan uchki qismi temir va cho'yandan yasalgan. Yana bir mehnat quoli xonlikda kapcha deb atalib, undan aholi yerni ishlashda, sug'orish sistemalarini tozalashda keng foydalanganlar. Kapcha boshqa mehnat quollariga nisbatan ancha yengildir. Uning uchki qismi temirdan ovalsimon shaklda yupqa qilib yasalganligi yerni ishlashga ancha qulaylik tug'dirgan. Bu mehnat quolining shakli belkurak (lopotka)dan farq qilib, faqat Xorazm hududiga xosdir. Xorazmliklar ushbu mehnat quolidan XIII – XIV asrlarda ham foydalanilganligini arxeologik topilmalar tasdiqlaydi. Jumladan, Talayxan – ota karvonsaroy qazilmalaridan ikki quloqli belkurak topilgan. [13] U juda yengil, keskichlari ovalsimon shaklda bo'lib, yerni ag'darishda qulay bo'lishi uchun oyoq qo'yishga mo'ljallangan ikkita qulog'i mavjud. Yerga ishlov berishda keng foydalanilgan mehnat quollaridan yana bir turi ketmon hisoblanadi. Uning dastasi uzun yog'ochdan sirlanib yasalgan, yerga ishlov beradigan qismi qalin temirdan yasaliib, uchiga tomon silliq holda yupqalashib borgan. Shakli yeti raqamini eslatadi. Xashaklarni yig'ish va olishda o'ziga xos dehqonchilik quolidan ya'ni, yava lardan foydalanganlar. Yavalar ham yog'ochdan yasalgan. Xivaliklar tomonidan yerni yumshatish va yuza qatlamini ag'darish uchun mala – dandana [14] dan foydalanilgan. Bu mehnat quoli uzunligi 3 metr, qalinligi yarim metr, eni 2 metrga teng bo'lgan taxtadan iborat bo'lgan. Unga ikki qator qilib huddi nayza uchidek o'tkir temir tishlar qoqilgan. Tishlar bir – biriga parallel ketma – ketlikda joylashtirilgan. Temir tishlar qoqilgan doskaga esa yarma bilan birlashtirib turuvchi yog'ochdan bo'lgan uzun tutuq o'rnatilgan. Tutuqning har ikki tarafida ikkita teshikcha ochilgan bo'lib, bir tarafiga doska ikkinchi tarafiga yarma mustahkamlangan. Yarma yog'ochdan yasaliib, uning har ikkala tarafiga ikkita jami 4 ta kichik yog'och qoziqlar qoqilgan. Bu yog'och qoziqli yarma hayvon bo'yniga kiygizilib, bo'ynining tagidan kamar bilan mustahkamlangan. Yerni haydash jarayonida mala-dandananing temir tishli tarafi pastga qaratib qo'yilgan. Ho'kizlar qo'shga qo'shilib, dehqonning o'zi mala – dandananing ustida turib ho'kizni harakatini boshqarib turgan. Shu tariqa yerning ustki qismi yumshatilib ishlov berilgan. M.Sazonova [15] mala – dandanani ikki qismga ajratgan. Dandana – tuproqning yuzasini ag'darish uchun, mala – yerning ag'darilgan yuzasini tekislashda foydalanilgan. Eng keng tarqalgan mehnat quollaridan biri yan biri o'roq. U nafaqat Xorazmda, balki butun O'rta Osiyoda keng tarqalgan. Dehqonchilik mahsulotlari, donli ekinlarni, chigin, xashak va bedani yig'ishtirishda o'roqlardan keng foydalanilgan. Uning tuzilishi so'roq shaklida bo'lib, asosan po'latdan yasalgan, unga ushlab uchun yog'och dasta o'rnatilgan. O'roqlar undan foydalanuvchilarning talabiga ko'ra katta yoki kichik qilib yasalgan. Vohada o'roqning ikki turidan ko'proq foydalanilgan. Bular: arpa, bug'doy kabi donli ekinlarni o'rishda oddiy temirdan yasalgan zalvorli o'roq, xashak, beda, chiginlarni o'rishda asosan yengil chal o'rog'i ishlatilgan. XX asr boshlariga kelib ruslar ko'chib kelgan hududlarda beda va chorva uchun xashaklarni o'rishda yengil va chalg'i o'rog'idan keng foydalanilgan. [16] Xorazmliklar foydalangan o'roqlar o'ziga

xos shakli va mayda tishlari bilan boshqa hudud o'roqlaridan farq qilgan. Bunday shakldagi o'roqlardan Qorategin, Darvoz, Yozg'ulom tojiklari ham foydalangan. [17] O'rta Osiyoning boshqa hududlaridagi mahalliy o'roqlari deyarli bir xil bo'lib, faqat katta – kichikligi va tig'ining shakli bilan farqlangan.

Dehqonchilikda ishlatiladigan mehnat vositalardan yana biri tir deb nomlangan. [18] Undan ko'pincha ekish davrida yoki hosilni yig'ish davrida foydalaniladi. U aylana shaklda bo'lib, faqat taxtadan ishlangan. Hozirda uning temir va plastikdan yasalgan turlari ham mavjud. Elakdan urug'larni va saralashda foydalanilgan. U ham doira shaklida bo'lib, tag qismi mayda teshiklardan iborat yupqa temirdan yasalgan.

XULOSA

Xorazm dehqonchiligida dehqonlarning asosiy muammosi yerni ishlash, sho'r yuvish, sug'orish inshootlarini

qurish, eskilarini ta'mirlash, kanal, ariqlarni tozalash, daryo atrofidagi ekin maydonlarini toshqindan himoya qiluvchi dambalarni qurish va ekinlarga qiron keltiruvchi dushmanlar bilan kurashish bo'lgan. Shuningdek, mazkur dehqonlari Xiva xonligida qishloq xo'jaligi masalari o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lganligi bois, ular mehnat qurollarini takomillashtirib borishga intilgan, lekin oddiy mehnat qurollaridan murakkablariga o'tish juda qiyinchilik bilan kechganligi va xonlikda davlat boshqaruv tizimi mehnat qurollarini takomillashtirish va sifatini oshirish, yangi turdagi mustahkam mehnat qurollarini yaratish masalalariga jiddiy e'tibor qaratilmagan. Voha aholisi dehqonchilik bilan shug'ullanishida bir talay qiyinchiliklarga duch kelishiga qaramay, yerdan va suvdan foydalanishda yuqori samaradorlikka erishishganlar.

ADABIYOTLAR

1. Наши соседи в Средней Азии. Хива и Туркмения // Всемирный путешественник. 1873. – С. 119-120.
2. Хаников Н. Описание Бухарского ханства. СПб. 1843. – С. 144-147.
3. Современные этносоциальные процессы на селе. – Москва: Наука, 1986. – С.74; Этнографические очерки узбекского сельского населения. – Москва: Наука. 1969. – С.53.
4. Александров Н. Земледелие в Сыр-даринской области. Приложение к журн. Туркестанское сельское Хозяйство. – Ташкент: 1916 – 1917. – С.79; Юферов В.И. Курс частного хлопководства (курс лекции) – СаГУ. – С. 104 – 106.
5. Гамбург Б. К характеристике орудий земледельцев Ферганской долины и Ташкентского оазиса конце XIX – первой четверти XX в // Хозяйственно – культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – Москва: Наука. 1975. – С. 107; Кисляков Н. А. Старинные приемы земледельческой техники и обряды связанные с земледелием у таджиков бассейни реки Хингоу // Советская этнография. 1947. №1. – С. 115.
6. Сазонова М. Материалы к истории земледельческой техники в Хорезме // Археологические этнографические работы Хорезмской экспедиции 1949-1953. – Москва. 1952. Часть II – С. 255.
7. Гладышев, Муравин, Поездка из Орска в Хиву и обратно. 1851. часть. 3. – С. 21.
8. Гамбург Б. К характеристике орудий земледельцев Ферганской долины и Ташкентского оазиса конца XIX – первой четверти XX в. // Хозяйственно – культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – Москва: Наука. 1975. – С.108.
9. Гамбург Б. К характеристике орудий земледельцев Ферганской долины и Ташкентского оазиса конца XIX – первой четверти XX в. // Хозяйственно – культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – Москва: Наука. 1975. – С.110.
10. Отамуродова А., Абдурахмонов О. Хива елчилари. Тошкент. Тафаккур каноти. 2015. – Б. 17.
11. Наши соседи в Средней Азии. Хива и Туркмения // Всемирный путешественник. 1873. – С. 122.
12. Кыдырнязов М. Материальная культура городов Хорезма в XIII – XIV веках. – Нукус: Каракалпакстан. 1989. – С. 94.
13. Кыдырнязов М. Материальная культура городов Хорезма в XIII – XIV веках. – Нукус: Каракалпакстан. 1989. – С. 94.
14. Шкапский О. Как хивинцы ведут полевое хозяйство. – Москва: 1900. – С. 27.
15. Сазонова М. Материалы к истории земледельческой техники в Хорезме // Археологические этнографические работы Хорезмской экспедиции 1949 – 1953. – Москва: 1952. Часть II. С. 255.
16. Сазонова М. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. – Ленинград: Наука. 1978. – С.119.
17. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 102.; Жабборов И. Из истории техники и культуры земледелия Южного Хорезма. – С. 288; Фирштейн Л. Земледельческие орудия таджиков и узбеков. – С. 174.
18. Сазонова М. Материалы к истории земледельческой техники в Хорезме // Археологические этнографические работы Хорезмской экспедиции 1945 – 1948. – Москва. 1952. Часть I – С. 258.



УДК: 94(470+575.1)

Ботир МАЛЛАБАЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси
E-mail: bmallabayev@inbox.ru

ЎзМУ тарих.ф.д., Замонов А.Т. тақризи асосида

HISTORICAL AND POLITICAL FACTORS OF THE DIPLOMATIC CORPS CREATED UNDER THE GOVERNOR-GENERAL OF TURKESTAN

Abstract

The thesis is devoted to "The diplomatic corps created under the governor-general of Turkestan and its role in relations with foreign countries", it talks about the importance of the diplomatic corps created in Central Asia under the governor-general of Turkestan, created by tsarist Russia, about diplomatic relations with foreign countries (China, Iran, Afghanistan).

It is known that after the invasion of the Central Asian khanates, the Russian Empire introduced a system of military-administrative rule based on force to keep the local peoples in obedience. In addition, after the Russian Empire invaded the Central Asian khanates, a number of tensions arose with neighboring Iran, Afghanistan, and China. In such circumstances, the role of the diplomatic corps under the Governor-General of Turkestan was very important. Archival sources are mainly used to highlight the research work under study.

Key words: Russian Empire, Governor-General of Turkestan, geopolitical situation, policy of aggression, diplomatic corps, diplomatic official.

ИСТОРИЧЕСКИЕ И ПОЛИТИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ДИПЛОМАТИЧЕСКОМУ КОРПУСУ, СОЗДАННОМУ ПРИ ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЕ ТУРКЕСТАНА

Аннотация

Диссертация посвящена «Дипломатическому корпусу, созданному при генерал-губернаторе Туркестана, и его роли в отношениях с зарубежными странами», здесь говорится о важности дипломатического корпуса, созданного в Центральной Азии при генерал-губернаторе Туркестана, созданного царской Россией, о дипломатических отношениях с зарубежными странами (Китай, Иран, Афганистан).

Известно, что после завоевания Среднеазиатских ханств Российской империей, была введена система военно-административного правления, основанная на силовом принуждении к удержанию, для того, чтоб держать местные народы в повиновении. Кроме того, после вторжения Российской империи в ханства Средней Азии, возник ряд напряженных отношений с соседними Ираном, Афганистаном и Китаем. В таких условиях роль дипломатического корпуса, созданного при генерал-губернаторе Туркестана, была очень важна. Для освещения изучаемой исследовательской работы используются в основном архивные источники.

Ключевые слова: Российская империя, генерал-губернатор Туркестана, геополитическая ситуация, политика агрессии, дипломатический корпус, дипломатический чиновник.

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ ҚОШИДА ДИПЛОМАТИК КОРПУСИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШНИНГ ТАРИХИЙ-СИЁСИЙ ОМИЛЛАРИ

Аннотация

Ушбу диссертация “Туркистон генерал-губернаторлиги қошида ташкил этилган дипломатик корпус ва унинг хорижий мамлакатлар билан муносабатларидаги ўрни” га бағишланган бўлиб, унда Ўрта Осиёда чор Россияси томонидан тузилган Туркистон генерал-губернаторлиги қошида ташкил этилган дипломатик корпус, унинг хорижий мамлакатлар (Хитой, Эрон, Афғонистон,) билан дипломатик алоқаларидаги аҳамияти ҳақида сўз боради.

Маълумки Россия империяси Ўрта Осиё хонликларини истило этгач, маҳаллий халқларни итоатда ушлаб туриш учун зўрликка асосланган ҳарбий – маъмурий бошқарув тизимини жорий қилди. Қолаверса, Россия империяси Ўрта Осиё хонликларини босиб олганидан сўнг, унга қўшни бўлган Эрон, Афғонистон ва Хитой давлатлари билан бир қатор кескинликлар юзага келди. Мана шундай вазиятларда Туркистон генерал – губернаторлиги қошида ташкил қилинган дипломатик корпуснинг ўрни жуда катта бўлган. ўрганилаётган тадқиқот ишини ёритиб беришда асосан архив манбаларига мурожаат қилинади.

Калит сўзлар: Россия империяси, Туркистон генерал-губернаторлиги, геосиёсий вазият, босқинчилик сиёсати, дипломатик корпус, дипломатик амалдор.

Кириш. Маълумки, Россия империяси Ўрта Осиё хонликларини истило этгач, маҳаллий халқларни итоатда ушлаб туриш учун зўрликка асосланган ҳарбий – маъмурий бошқарув тизимини жорий қилди. Қолаверса, Россия империяси Ўрта Осиё хонликларини босиб олганидан сўнг, унга қўшни бўлган Эрон, Афғонистон ва Хитой давлатлари билан бир қатор кескинликлар юзага келди. Мана шундай вазиятларда Туркистон генерал –

губернаторлиги қошида ташкил қилинган дипломатик корпус амалдорларининг ўрни жуда катта бўлган.

Мавзунинг долзарблиги ана шу дипломатик амалдорларнинг икки томон муносабатларида уларнинг ўрни ва роли қай даражада муҳимлиги ва уни илмий ва назарий жиҳатдан очиб берилиши билан белгиланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. (Literature review). Тадқиқ этилаётган мавзу юзасидан шу кунгача кичик мақолалар эълон қилинган. Ундан ташқари

айнан ўша Дипломатик корпус ҳодимларининг турли хил расмий ҳисоботларида берилган бир қатор маълумотларни ҳам қўшиш мумкин.

Мазкур илмий мақолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзР МДА) “Туркистон генерал – губернаторлиги маҳкамаси” (Ф.И-2) номли жамғарма 2 – рўйхат, 4 – иш, 21, 24 25, 26 – варақлардан ҳамда Мулла Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг “Тарихи шоҳрухия” (Қозон, 1885), Муҳаммад Марғилонийнинг “Бадавлатнома” (РФ ФА ШИ 10 қўлёзма, ф.с.587 - 690), Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахаб ат – таворих ”(ЎзР ФА ШИ қўлёзма 594 - рақами) каби асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ундан ташқари, бир қатор диссертация ва автореферат (Ўраков Д. Туркистонда Россия империяси маъмуриятининг расмий ҳисоботлари – тарихий манба сифатида (XIX аср охири – XX аср бошлари) Дисс... тарих фан. номз: - Т, 2006. , Тиллабоев С.Б. XIX аср охири –XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг маъмурий – ҳудудий бошқарув тизими ва унда маҳаллий аҳоли вакиллари иштироки. Дисс...тар.фан.номз. – Т .:2006) ва шу мавзу юзасидан даврий матбуотларда эълон қилинган мақолалардан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқот методологияси (Research methodology). Бу асослар энг аввало жаҳон илм – фан томонидан тўпланган янги сиёсий фикрларни, ижтимоий жараёнларни назарий ва услубий таҳлил қилиш билан белгиланади. Тадқиқотда ўрганилаётган манбалар Ўзбекистоннинг янги тарихи концепцияси нуқтаи назари асосида ўрганилган.

Тадқиқотда акс этган ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий ҳаётни ёритишда тарихийлик, ҳолислик ҳамда диалектик тамойилларга амал қилинди.

Таҳлил ва натижалар (analysis and results). Россия империясининг Ўрта Осиёда олиб борган босқинчилик сиёсати давом эттирилиши натижасида мустамлакага айлантirilган ҳудуд кенгайиб борган. Босиб олинган ҳудудларда империя ҳукмронлигини ўрнатиш, бошқариш, уларни қўлдан чиқармаслик учун биринчи навбатда, мустамлакачиларнинг манфаатини ҳимоя қиладиган мустаҳкам бошқарув тартибларини ишлаб чиқиш ва уни жорий қилиш зарур эди. Босиб олинган ҳудудларни бошқариш тартиблари ва унинг қандай бўлиши кераклиги масаласи империя ҳукмрон доираларида турли соҳа мутахассислари томонидан кенг муҳокама қилинган. 1867 йили Петербургда Туркистон бошқаруви бўйича тайёрланган “Низом” лойиҳаси махсус комиссия томонидан муҳокама қилиниб, унда В.Романовский, Н.А.Крижановский, М.Г. Черняев йирик амалдорлар ҳам иштирок этади. Ушбу муҳокамада Оренбург генерал-губернаторлигидан алоҳида бўлган Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1867 йил 14 апрелда император Александр II томонидан комиссия таклифи маъқулланади. 1867 йил 11 июлда ҳозирги Жанубий Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг босиб олинган ҳудудларида Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилиш тўғрисида фармон эълон қилинади. Туркистон генерал-губернатори қилиб генерал-адъютант Константин Петрович фон Кауфман (1818-1882) тайинланади.

1860-1880 йилларда Чор Россиясининг Ўрта Осиёда амалга ошираётган кенг миқёсли истилочилик сиёсати энг аввало минтақага қўшни давлатлар: Қожарлар империяси (Эрон), Афғон амирлиги (Афғонистон), Цин империяси (Хитой) ва, айниқса, Инглиз тожи остидаги Ҳиндистон вице-королигида кенг хавотирларга сабаб бўлади ва бу ҳолат ушбу давлатлар билан расмий Петербург ўртасидаги муносабатларда бир қатор

кескинликларни юзага келтиради. Хусусан, русларнинг Ўрта Осиёдаги ҳарбий истилоларининг Британия учун хавfli оқибатлари тўғрисида Ҳиндистон вице-қироли томонидан инглиз ҳукуматига юборилган хатлар натижасида расмий Лондоннинг Россия империясига нисбатан муносабатларининг таранглашувига олиб келади. Гарчанд икки йирик империя – Россия ва Британия ўртасида муносабатлар русларнинг Лондондаги элчиси орқали барқарорлаштирилган бўлса-да, фикримизча, ушбу кескин муносабатлар 1860 йиллардаёқ Петербургда Туркистон генерал-губернаторлиги бошқарув аппаратида зиммасига бошқа генерал-губернаторликларидан кўпроқ дипломатик вазибалар қўйиш лозимлиги тўғрисида қарашлар юзага келишига сабаб бўлган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Ҳиндистон вице-королиги билан муносабатлар асосан Лондондаги Россия империяси элчихонаси орқали олиб борилган бўлса, Эрон, Афғонистон, шунингдек, Хитой давлати билан сиёсий, иқтисодий алоқаларда амалда бевосита Туркистон генерал-губернаторлигининг ўрни катта бўлган. Бу эса ўз навбатида Туркистон генерал-губернаторлиги қошида дипломатик корпус ташкил қилинишини бош заруратга айлантирган. Буни ҳар бир қўшни давлат билан тарихий-сиёсий муносабатлар жараёнида кўриб чиқсак.

XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб Россия империясининг Ўрта Осиёга фаол кириб келиши Россия-Эрон муносабатларини кескинлаштириб юборади. 1869 йилги келишувга биноан Петербургнинг юқори доиралари Атрек дарёсигача бўлган ҳудудларни Россия таъсир доирасида эканлигини эълон қилади. 1873 йилда Эрон шохининг Россияга расмий сафари бу ҳолатни тасдиқлаб, икки давлат ўртасидаги кескин муносабатларни юмшатишга хизмат қилади. 1874 йил 23 январда Россиянинг Техрондаги элчиси А.Ф.Бегер ҳарбий вазирга юборган номасида Эрон шохи туркманларнинг текка қабиласини бўйсундиришда бирга қатнашиш истагида эканлигини ёзади. Россия ҳарбий доиралари бу масалада узоқ тортишувлардан сўнг Эрон тарафи таклифини қатъий рад этиб, 1874 йил 6 мартда А.Ф.Бегерга бу ҳақда маълум қилинади. Шу билан Эрон ҳукумати бу масалани қайта кўтармаган. Шунга қарамай, 1881 йили Кўктупа (ҳозирги Ашхобод) чоризм қўшинлари томонидан ишғол этилгач, бу ердаги кўпгина туркман қабилалари Эрон томонига қочиб ўтганида илқ кутиб олинади. Табиийки, воқеаларнинг бундай тус олиши Чор Россияси тарафини қониктирмаган. Натижада, генерал Скобелев Эрондаги рус элчиси И.А. Зиновьев орқали бундай ҳаракатларга чек қўйилишини талаб қилади. Эрон томони бу талабни бажаришга мажбур бўлади. 1881 йил май ойида Ахалтекин воҳасининг босиб олиниши билан Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Каспийорти вилояти тузилади. Шу муносабат билан Эрон ҳукумати Россияга ўзаро чегараларни аниқлаб олиш таклифини киритади. Икки давлат комиссияси 1881 йил 10 октябрда иш бошлади. Чегара бўйича иш олиб борган комиссия декабрда ўз ишини якунлайди ва 1881 йил 9 декабрда Эрон – Россия ўртасида машҳур конвенция имзоланади. Бу ҳужжат Ўрта Осиё бўйича давлатлар ўртасидаги муҳим шартнома бўлиб, кейинги барча битимлар мазкур келишувга асосан 1917 йилгача амалда бўлган. Конвенция 9 модда, шунингдек, махфий 5 та моддан иборат бўлган. Гарчи, ушбу ҳужжатда икки давлат ўртасидаги чегаралар аниқлаб олиниб, томонларнинг мажбуриятини белгиланган бўлса-да, Афғонистонга туташ ҳудудлар бўйича аниқ чегара ҳали ўрнатилмаган эди. Асосий муаммо Марв воҳаси эди. 1884-1886 йилларда Россия

империяси томондан мазкур хуудларнинг эгалланиши муносабати билан Эрон билан якуний шартнома 1894 йилда имзоланади. Шартномага кўра Россияга кўшимча равишда Феруза кишлоғи, Эронга Атеқдаги Хисор кишлоғи ҳамда Аракс дарёсининг ўнг қирғоғидаги ерлар ўтади.

XIX асрнинг 80 йиллари бошида Ўрта Осиёнинг жанубий хуудлари масаласида минтақада геосиёсий вазият янада кескинлашади. 1884 йили чор кўшинлари томонидан Марв воҳасининг эгалланиши Россия – Афғонистон ўртасидаги сиёсий жанжални келтириб чиқаради. Асосий мақсад – Пенда воҳасида яшовчи туркманларни ерини эгаллаб олишдан иборат эди. Бироқ, 1885 йил март ойида жанглар оқибатида афғон кўшинлари мағлубиятга учрайди. 1885 – 1887 йилларда рус – афғон чегаралари бўйича рус – инглиз комиссияси иш олиб боради. 1887 йил 10 июлда тузилган шартномага мувофиқ ҳозирги Туркменистоннинг Кушка дарёсигача, Пенда воҳасидаги Кушка, Мурғоб ва Тажаннинг куйи оқимидаги ерлар Россия ихтиёрига ўтди. Шундай қилиб, Каспий орти вилоятлари хуудлари ва Афғонистоннинг шимолий-ғарбий минтақалари ўртасида мана шундай узил-кесил чегара чизиклари ўрнатилди.

XIX аср ўрталарида Туркистон минтақаси учун Хитой давлати ва Россия империяси ўртасида келишмовчиликлар вужудга келади. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгач, унинг таркибига кирувчи Етгисув вилояти Ғарбий Хитой билан чегарадош эканлиги вазиятнинг кескинлашувига олиб келди. 1871 йилдан Или водийси вақтинчалик Туркистон генерал-губернаторлигини Етгисув вилояти таркибига киритилади. Верний шаҳрида “Гулжа ишлари бўйича махсус канцелярия” ташкил этилиб, унга дастлаб Н.А.Аристов, кейинчалик Н.Н.Пантусовлар раҳбарлик қилишган.

“Гулжа муаммоси” Россия фойдасига ҳал бўлгач, Туркистон генерал-губернаторлиги Қашқардаги Ёқуббек давлати билан алоқаларини аниқлашга ҳаракат қилади. Чунки Ёқуббек давлати Қашқар хуудларини тўлиқ эгаллаган ва у Хитой, Россия, Англия давлатларини бирортасини ҳам тан олишни хоҳламас эди. Кўкон хонлиги чор кўшинлари томонидан тугатилгач, Туркистон ўлкаси бевосита Ёқуббек давлати билан қизгин дипломатик алоқаларга киришади. 1876 йили чегаралар ўрнатиш борасида музокаралар олиб бориш мақсадида Куропаткин Қашқарга боради. Ўз навбатида Ёқуббек элчилари 1877 йили апрелда Тошкентга келиб ўзаро қандай келишувга эришилади. Бу ҳолат Туркистон генерал-губернаторлигининг дипломатик фаоллиги ошиб бorganидан дарак беради.

XIX аср 70-йиллари 2-ярмидан бошлаб Ўрта Осиё масаласида Россия– Хитой муносабатлари янада кескинлашади. Жумладан, Қашқарни тўлиқ эгаллаб олган хитойликлар Ўш-Қашқар йўналишида қатнаётган фарғоналик савдогарларнинг қарвонларини талай бошлайди. Бундан ташқари, Цин сулоласи вакиллари 1877 йил охири ва 1778 йил бошларида Россиянинг Пекиндаги элчиси Э.К.Бюцовга Или водийсини Хитойга қайтариб олиш бўйича музокаралар бошлашга тайёр эканликларини қайта-қайта маълум қилишади. 1881 йил 24 февралда Россия ва Хитой ўртасида Петербург шартномаси имзоланади. Унга кўра, Фарғона ва Қашқар ўртасидаги мавжуд чегаралар ўзгармай қолади. Россияга Или ўлкасининг Ғарбий қисмидаги рус фуқаролигини қабул

қилган кичик бир хууд тегди, холос. Ўз навбатида Цин сулоласи рус савдогарлари кўрган зарарлар эвазига 9 млн. рубл товон тўлаш мажбуриятини олди Шунингдек, Россия империяси Ғулжа, Чугучак, Урга, Қашқар, Турфон ва Сижжоу шаҳарларида ўз консулларини очиш имкониятига эга бўлди. Бундан ташқари, Хитой ҳукумати билан келишилган ҳолда Кобдо, Хами, Урумчи, Гужан шаҳарларида савдо алоқаларини ривожлантириш мақсадида консулликлар очишга ҳам рухсат бериладиган бўлди. 1881 йили Петербург шартномаси муҳим ҳуқуқий акт сифатида Ўрта Осиёдаги рус-хитой чегараларини ажратиб олишда асосий рол ўйнади.

Юқорида келтирилган тарихий-сиёсий вазиятлар 1899 йил апрелда Туркистон генерал-губернаторлиги қошида дипломатик ходим лавозими жорий қилинишига олиб келади. Ушбу лавозимга коллеж маслаҳатчиси Фон Клемм тайинланади. Ўз навбатида, дипломатик ходимнинг фаолият юритиши учун унга маълум бир миқдорда маош ҳам ажратилган. Архив манбаларида келтирилишича, бу маош Фарғона вилоятдан тўпланадиган махсус йиғимлар ҳисобига берилган. Қуйида жами маошни (4522 р. 26 т.) қандай тартибда тақсимлангани келтирилган.

Маош: 1644 р. 47 т.

Овқат пули: 1233 р. 33 т.

Уй пули: 822 р. 23 т.

Девон ҳаражатлари: 822 р. 23 т.

Жами: 4522 р. 26 т.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқот борасида қуйидаги хулосаларни илгари сурдик:

- 1860-1880 йилларида Чор Россияси томонидан Ўрта Осиёда олиб борилган кенг миқёсли истилочилик ҳаракатлари минтақада мутлақо янги геосиёсий вазиятнинг юзага келишига олиб келди;

- Минтақада чегаралар куч билан кескин ўзгараётган вазиятда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиши ва унинг фаол ҳарбий босқинчилик сиёсатини юритиши кўшни давлатлар (Эрон, Афғонистон, Хитой, шунингдек, Ҳиндистон вице-қиролиги) кўз ўнгида унинг ярим мустақил субъект сифатидаги аҳамиятини оширди. Бу эса Туркистон генерал-губернаторлиги билан кўшни давлатларнинг бевосита дипломатик музокараларга киришишига сабаб бўлди;

- Кўшни давлатлар билан турли масалаларда (чегараларни белгилаш, ҳарбий ҳамкорлик, савдо-иқтисодий) музокараларнинг кўпайиши Туркистон генерал-губернаторлиги марказий аппарати тизимида алоҳида дипломатик корпуснинг ташкил этилиши эҳтиёжини юзага келтирди.

Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations). XIX асрнинг 2-ярмида Россия империяси томонидан Ўрта Осиё хуудлари босиб олинган. Генерал – губернаторлик ташкил этилгач, босиб олинган ва унга кўшни бўлган хуудлар билан турли масалалар (чегара, иқтисодий - сиёсий) юзасидан музокаралар олиб бориш зурурияти туғилади. Ушбу музокараларда Туркистондаги дипломатик амалдорларнинг ўрни жуда катта бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон генерал – губернаторлиги ташкил этилгач, дипломатик ходим лавозими жорий қилиниши ўлкада ва унга кўшни бўлган хуудлар билан дипломатик муносабатларда дипломатик амалдорларнинг ўрни муҳим бўлган.

АДАБИЁТЛАР

1. Аҳмаджанов Ғ.А. Россия империяси Марказий Осиёда. Т., “ЎАЖБНТ” маркази. 2003.
2. Фомченко А.Г. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX – начале XX вв. – Т.: Фан, 1983.

3. Юлдошбоева Ф. Из истории английской колониальной политики в Афганистане и Средней Азии. Т.: 1963.
4. Кулагина Л.М.К. истории формирования русско – иранской границы после присоединение Средней Азии к России (конец XIX в.).М.: 1994. Г.
5. Н.А.Халфин. Присоединение Средней Азии к России (60-90 годы XIX века). -М., 1965.
6. Н.И.Гродеков. Война в Туркмении. Поход Скоблева в 1880-1881 гг. -, т.IV. СПб, 1884.
7. Ўрақов Д.Ўрта Осиё масаласида Россия ва Хитой манфаатларининг ўзаро кескинлашувига доир (XIX асрнинг 2-ярми)//мақолалар тўплами
8. Моисеев В.А. Россия и Китай в Центральном Азии. Барнаул. 2003 .

Архив хужжатлари

1. ЎзР МДА. 2 – жамғарма, 2 – рўйхат, 4 – иш, 21 – в.
2. ЎзР МДА. 2 – жамғарма, 2 – рўйхат, 4 – иш, 24 – в.
3. ЎзР МДА. 2 – жамғарма, 2 – рўйхат, 4 – иш, 25 – в.
4. ЎзР МДА. 2 – жамғарма, 2 – рўйхат, 4 – иш, 26 – в.
5. ЎзР МДА. 2 – жамғарма, 2 – рўйхат, 1 – иш, 1а – в.
6. ЎзР МДА. 2 – жамғарма, 2 – рўйхат, 1 – иш, 5 – в.
7. ЎзР МДА. 2 – жамғарма, 2 – рўйхат, 1 – иш, 15 – в.
8. ЎзР МДА. 2 – жамғарма, 2 – рўйхат, 2 – иш, 10 – в.



Умиджон НАРЗУЛЛАЕВ,

Навоий давлат педагогика институтини “Тарих ўқитиш методикаси” кафедраси в.б.доценти, PhD

E-mail: umidjon-ndpi@mail.ru

НавДКИ доценти, т.ф.н. О. Ҳайитова тақриси асосида

DEVELOPMENT OF THE MINING INDUSTRY IN KYZYLKUM

Abstract

In this article, described the history of coming existence of Kyzylkum mining works which situated in the main part of Navoi, the process of forming of Navoi region, also the activity of Navoi mining-metallurgical industrial complex.

Key words: Kyzylkum, Uchtut flint mines, Sangbur, mining industry and its history, NKMK, new industrial center, Navoi city, independence, social-economic development, “Pearl city”.

РАЗВИТИЕ ГОРНОДОБЫВАЮЩИХ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В КЫЗЫЛКУМАХ

Аннотация

В статье освещены горнодобывающих работ в Кызылкумах, занимающее основную часть территории Навоийской области, деятельности Навоийского горно-металлургического комбината и процесс формирования города Навои.

Ключевые слова: Кызылкумы, месторождение Учтут, местность Сангбур, горнодобывающая промышленность и её история, НКМК, новые промышленные центр, город Навои, независимость, социально-экономическое развития, «Город жемчужина».

ҚИЗИЛҚУМДА ТОҒ-КОН САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация

Мақолада Навоий вилоятининг асосий қисмини ташкил қилувчи Қизилқум саҳросида тоғ-кон саноатининг ривожини, Навоий кон металлургия комбинати фаолияти ва Навоий шахрининг ташкил топиш жараёни ёритилган.

Калит сўзлар: Қизилқум, Учтут манзилгоҳи, Сангбур макони, тоғ-кон саноати ва унинг тарихи, НКМК, янги саноат маркази, Навоий шахри, мустақиллик, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, “Марварид шахар”.

Кириш. Ўзбекистоннинг “олтин сандиғи” бўлиши, Навоий вилояти майдонининг асосий қисми бепоён ва бойликларга кон Қизилқум саҳросига тўғри келади. Қизилқум - Евроосиёнинг энг йирик саҳроларидан бири ҳисобланиб, шимолда Орол денгизи соҳилидан, жанубда Зарафшон дарёси ёнидаги тор фаровон оазисгача чўзилган. Бу йирик ҳудуд катталиги 300 минг кв кмга тенг бўлиб, шарқда ва ғарбда Марказий Осиёнинг улкан дарёлари - Сирдарё ва Амударё билан чегарадош.

Қизилқум кончилик саноати тарихининг ўтмишига назар солсак, айнан Навоий вилоятида кончилик ишлари қадимдан вужудга келган деган хулосага келишимиз мумкин.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Навоий вилояти Учтут қишлоғи яқинида ноёб чакмоқтош конлари топиб ўрганилган. Уни академик Я.Ғуломов раҳбарлигидаги экспедиция 1958 йилда топган эди. Кейинчалик унинг шоғирдлари М.Қосимов, Т.Мирсоатов, У.Исломовлар атрофлича ўрганишиб, ўтмиш тарихга доир муҳим илмий маълумотлар тўпладилар ва тегишли хулосалар яратилди. Олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида кондан одамлар илк палеолит давридан бошлаб, бутун тош даври давомида узлуксиз фойдаланишганлиги маълум бўлди.

Учтут чакмоқтош кони захирасининг умумий майдони 8000 м² бўлиб, шундан ҳозиргача 1000 м² қазиб ўрганилган ва 32 та чакмоқтош конлари очилган. Бу ерда ўра, хандақ, шахта, тўла йўсиндаги конлар очилган. Айримларининг чуқурлиги 5,5 метргача боради. Конларнинг тупроқли деворларида буғунинг курак суяги, ёғоч қуролларнинг излари, шахталар ичидан эса учи силлиқланган ва ишлатилган ҳайвон шохлари топилган. Умуман, конлардан 35 хил тош ҳамда ҳайвон шохидан

ясалган қуроллар топилган бўлиб, бу ашёлар қадимда одамларнинг бу конлардан узоқ муддат давомида хомашё сифатида фойдаланишдан гувоҳлик беради.

Шахта чуқурларидан йирик тош бўлақларини ажратиб ташқарига чиқариш ишларида ҳайвон териларидан қилинган қоп ва замбиллардан, йирик тошларни парчалашда оловдан ҳам фойдаланилган. Қиздирилган тошга сув пуркалса осон парчаланган. Сўнгра нам тортган чакмоқтош мўртроқ бўлиб, қурол ясаш учун осон кечган. Шунингдек, ўз замонасида одамлар кон яқинида чакмоқтошлардан қуроллар ясайдиган устахоналар вужудга келтирилган.

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Қизилқумда геолог ва археологлар томонидан бронза ва темир эритишга мўлжалланган ибтидоий қозон ўчоқлари топилган. Бу топилмалар эрамизгача бўлган иккинчи ва биринчи минг йилликларга тегишлидир. Бу ота боболаримиз яхшигина металсоз бўлганлигини билдиради ҳамда улар ерости бойликлари ҳақида етарлича хабардор бўлиб, кон ишлари бўйича зарур қўниқмага эга бўлганлар.

Навоий шахридан унча узоқ бўлмаган масофада, тахминан, беш-олти километр жануб томонда қадимий кончилар манзилгоҳи Сангбур қалъаси мавжуд. Сангбур Зарафшон водийсининг таянч истеҳкомларидан бири бўлиб хизмат қилган. У водийга ўтиш жойида уни чўл томондан ҳимоя қилган. Қалъа муҳим, ҳал қилувчи ўрин эгаллаган. Овал шаклидаги қалъа шимолдан жанубгача унинг узунлиги 14 метр атрофида, шарқдан ғарбгача деворларининг сиртки томонидан ҳисоблаганда 4 метр атрофида бўлган. Марказий кўрғоннинг кенлиги 5 метр атрофида бўлган. Қалъанинг пастида унчалик баланд бўлмаган тепаликда шахар жойлашган.

Сангбур - кадимий сўз бўлиб “санг” - тош, “бур” эса синдириш, ажратиш маъноларини беради. Сангбур аҳолиси тоғ кон ишлари, тош конларида меҳнат қилишган, тошдан алмашиш ва сотиш учун идишлар ясашган, тегирмон тошларини тарашлашган. Шаҳар аҳолиси яқин атрофда жойлашган тоғ мажмуасида ишлаган қалъадан сал шарқ томонда тош конлари жойлашган бўлиб, ундаги тоғ жинсларидан кеч ўрта асрларгача тош болта, чўкичлар, дон янғичлар, найза учлари ва бошқа жиҳозлар тайёрланган. Аҳоли кулолчилик маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқаришган.

Зарафшон дарёси водийсида қадимдан олтин қазиб чиқарилган. Зарафшон - форс тожик сўзидан олинган бўлиб, олтин сочувчи деган маънони англатади. Қадимда Зарафшон дарёси Полтитмет деб аталиб, дарё кумларидан олтин ювиб олинган. Бунинг учун кўй терилардан (пўстак) фойдаланишган. Тери пўстакка ёпишган кум чўп-савагичлар билан урилгач пастга тушган, олтин зарралари шу तरीга ёпишиб қолган.

Герадот хозирги Қизилқум ҳудудида яшаган массагетлар ҳақида қуйидагича гувоҳлик берган: “...темир ва кумушни ... умуман ишлатмайдилар, сабаби бу металллар уларнинг мамлакатларида йўқ, олтин ва мис эса мўлдилр”[1;94]. Антик давр географияси обрўли намояндаси Страбон Марказий Осиё ҳақида маълумот бериб, Амударё ва Сирдарё халқлари темир нималигини билмасликлари, ҳар қандай металдан кўра у ерда олтин ва кумуш кўпроқ эканлигини, темир йўқлигидан от-улов, асбоб-анжомларнинг аксарияти кўп қисми олтин ва кумушдан ясалганлиги ҳақида баён қилади.

Ўрта асрларда эса форс тарихчилари ҳам Самарқанд жинидаги олтин конлари ҳақида ёзганлар.

Кейинги XVI асрга келиб, айниқса Бухоро хони Абдуллахон II (1556-1588) даврида олтин, кумуш ва мис тангалар зарб этилди ҳамда заргарлик ишларидаги қатор янгиликларни амалга оширди. Бухоро амирларининг машҳур олтини маълумлиги ҳам рост. Шарқий Бухоронинг тоғли ҳудудларидан ҳукмдорларнинг яширин олтин конлари борлиги ҳақида маълумотлар келтирилади. Аммо, бу ерда ҳам из йўқолган эди. Амирлик қулаши олтидан унинг хазиналаридаги олтин 250 тоннага етган деган ривоятлар бор.

Ўрта асрлардан бошлаб олтин маъданларининг жойлашган жойлари сир тутиб келинган. Айниқса Бухоро амирлигида бу иш давлат даражасига кўтарилган эди. Амирлик саройидан юборилган олтин изловчилар ёки олтин олувчилар маъданни олиб келгач яширин равишда йўқ қилиб юборилган.

Бухоро амирлигидаги олтин конлари табиийки бошқаларни ҳам қизиқтириб келган. Айниқса, Чор Россияси Бухоро амирлиги, Туркистон ўлкасини мустамлака қилиб олгач, унинг ҳудудларидаги қазилма бойликларни ўрганиш, ўзлаштириш учун катта эътибор берган. Бухоро амира Абдулаҳадхон саройида Россия давлатининг сиёсий агентлиги очилишига рухсат берилгач, бу жараён янада кучайган. Бу мақсадда катор илмий экспедициялар ташкил этилади. Ўлкада геология қидирув ишлари XIX аср охири XX аср бошларида бошланади ва муттасил давом эттириб борилади.

Қизилқумнинг “сехрланган” тутқич бермас олтинлари олимлар орасида турли баҳсларни келтириб чиқарди. 1901 йилда Қизилқумга келган Николай Зарудний ҳозирги Мурунгов кони атрофларида тоғ жисмларини ўрганиш ишларини олиб борган ва олтин борлигига ишонч билдирган бўлса, В.Покровский-Козелл эса ишонч билан у томонларда олтин умуман йўқ ва бўлиши мумкин эмас деган гапни айтган.

XX асрнинг 30 йилларида геолог академиклар Александр Фресман ва Дмитрий Шербаковлар Қизилқумга экспедиция уюштиришади. Умуман, рус геологлари Қизилқумдаги олтин конларини топиш учун 50 йилдан ортиқ вақт сарфлашади.

1958 йилда Мурунгов тоғи яқинида олтин конларини аниқлашга муваффақ бўлинди. Навоийдаги кўпгина конлар ўзининг ноёб хусусиятлари ва захиралари нуқтаи назаридан нафакат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда камдан-кам топилади. Мурунгов, Давгистов, Кўкпатас, Омонтойтоғ каби улкан олтин конлари, Қизилқумдаги фосфорит кони мамлакатимиздан олис-олисларда ҳам яхши маълум

Қизилқум бағридаги бебаҳо табиий бойликларни ўзлаштириш мақсадида Навоий кон-металлургия комбинати бунёд этилди. Бу корхона собиқ СССР Министрлар Советининг 1958 йил 11 мартдаги Қарорига асосан ташкил этилди.

Малакатимиздаги саноат индустриясининг байроқдори ҳисобланган Навоий кон металлургия комбинати (НКМК) - бу кўп тармоқли корхонадир. Корхонада уран, олтин, кумуш, қурилиш материаллари, мрамар маҳсулотлари, фосфорит қазиб олинади. Қидирув-разведка ишлари, маъданни қазиб олиш ва уни қайта ишлашдан бошлаб то уран оксиди ва соф (99.99) олтин олишгача бўлган тугалланган жараёни амалга оширувчи саноат корхонаси ҳисобланади.

Навоий кон металлургия комбинатига қарашли саноат корхоналари республикамизнинг Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Тошкент вилоятларида жойлашган. Навоий кон-металлургия комбинатининг фаолияти менерал хомашё ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва янги ишлаб чиқариш қорхоналарини интенсив ривожлантириш йўли билан Ўзбекистоннинг иктисодий қувватини ошириш ва барқарорликни таъминлашга йўналтирилган.

Ўзбекистон олтини азалдан бутун дунёда Бухоро олтини сифатида машҳур бўлиб, у кейинги йилларда ҳам дунёдаги энг асл олтин сифатида қайта-қайта эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида қазиб олинаётган олтин ва ураннын асосий қисмини қазиб олаётган Навоий кон-металлургия комбинати жаҳондаги уран ишлаб чиқарувчи давлатларининг биринчи бешталигидан ўрин олган. Навоий кон-металлургия комбинатида олинган олтин ёмбилар Лондон рангли металл биржаси арбитраж лабораторияси сертификати (1994), 1997 йилда эса Токио саноати товарлари биржасининг сифат сертификати ва бошқа совринлар берилган[2]. Навоий кон-металлургия комбинати 2000 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Дўстлик” ордени билан мукофатланди.

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Кончилик саноатининг ривожланиши Қизилқум минтақасида муттасил ва кенг қамровли қурилишларнинг олиб борилиши, минерал хом ашёларни қазиб олиш жараёнида чўлда ноёб ишлаб чиқариш мажмуи, кўп сонли конлар, шахталар, карьерлар вужудга келди. Шу билан бир вақтда кўркам, кўкаламзор хиёбонларга, барча қулайликлар мавжуд маданият марказларига эга бўлган оазис-шаҳарлар қад кўтарди.

Қизилқум минерал бойликларини ўзлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган кон-металлургия комбинатининг қурилиши янги саноат маркази барпо этилишига асос бўлди. 1958 йилнинг 3 сентябрида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонида биноан Кармана райони ҳудудида барпо этишга киришилди[3]. 1957 йил “Гипрогор” номли

Москва давлат илмий-текшириш институти Бухоро вилоятининг Кармана райони ҳудудида янги саноат шаҳрини барпо этиш бўйича режа ишлаб чиққан эди[4;136]. 1959 йил ушбу лойиҳа асосида комбинат ва қурилиш ташкилотлари ишчилари учун бир ва икки қаватли уйлар қурилиши бошланди. Бу ҳақда шаҳарнинг қурувчи иш бошқарувчиси шундай эслайди: “Шаҳар ҳудудининг биринчи микрорайонидаги уйларга биринчи ғишт куйилар экан, бу уйлар бир қаватли, 4 хонали кизил ғишдан қурилиши мўлжалланиб, шу асосида иш бошлаган эди”[5;125.]. Бу лойиҳа оддий кўрғонлар (посёлка) қурилиши учун режалаштирилгани боис тез орада ундан воз кечилди. Шаҳар қурилиши Дубна ва Обнинск каби шаҳарларни лойиҳалаштирган Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) давлат институти мутахассисларига топширилди. Малакали мутахассисларга замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган шаҳар лойиҳасини яратиш, шаҳар лойиҳасини тайёрлаш жараёнида маҳаллий иқлим шароити, жойлашув рельефи, шамол йўналишларини ҳам эътиборга олиш топширилди.

1961 йил ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тасдиқлаган бош режада янги саноат корхоналарини (Навоийазот, электрохимзавад, цементзавад, пахтазавад) қуриш ҳам режалаштирилган эди[6;284]. Табиийки, бунинг учун, аввало, шаҳарда аҳоли учун турар жой бинолари, транспорт коммуникация тизимини барпо этиш зарур эди. Шаҳарнинг кенгайтирилиши, ишлаб чиқариш, кадрларга бўлган эҳтиёж ва шу билан боғлиқ бир қатор ижтимоий муаммоларнинг аниқ ҳисобини олиб шунга монанд иш юритишга тўғри келди. Бир мунча қулайликлар яратилгандан сўнг шаҳарга турли ўлкалардан янги ишчи кучлари оқиб кела бошлади.

Олдинроқ айтиб ўтилганидек, Навоий шаҳрининг янги бош режаси Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) лойиҳалаштириш институти инженер мутахассислари В.А.Курносков, В.Ф.Акутина, В.А.Яковлев томонидан 1978 йилда ишлаб чиқилди ва 1980 йил 7 январда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланди[6;284]. Ушбу лойиҳа архитектуранинг барча талабларига тўлиқ жавоб бера олди. Бунга асос сифатида 1975 йил шаҳарнинг бир гуруҳ меъморлари Жаҳон шаҳарсозлиги Кенгашининг Халқаро Аберкромби мукофоти билан тақдирланганини мисол келтириш мумкин.

Шаҳар қурилиши лойиҳасига раҳбарлик қилган А.В.Коротковнинг ҳикоя қилишича, шаҳар лойиҳаси ўзбек поэзиясидаги ғояларга уйғун ҳолда яратилгани ва

шундан келиб чиқиб шаҳарга Алишер Навоийнинг номи берилса мақсадга мувофиқ бўлишини айтган[8;93.]. Шу тариқа, янги барпо этилган саноат шаҳри буюк мутафаккир Алишер Навоий номи билан аталган.

Навоий шаҳри шаҳарсозликнинг ибратли намунаси сифатида халқаро доирада ҳам тан олина бошланди. 1975 йилда ўзида Навоий шаҳри шаҳар меъморчилиги бўйича Америка Қушма Штатларида ўтказилган ЭКСПО кўргазмаси мукофотининг совриндори бўлди.

- **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Буюк шоир ва мутафаккир бобомиз номини улуғлаб келаётган, мамлакатимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бири, Навоий вилоятининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази бўлган Навоий, дастлаб, 25 минг аҳоли учун посёлка сифатида қурила бошлаган эди. Кейинги йилларда Навоий шаҳри ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама тараққий этди.

Бугун шаҳарда 200 минг аторфида аҳоли истиқомат қилмоқда. Агар Навоий вилоятида 92 миллат ва элат вакиллари яшаб келаётган бўлса, унинг “Марварид шаҳар” деб ном олган марказида 80 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилмоқда. Аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, кишиларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида қурилиш бунёдкорлик ишлари ҳажми ва кўлами йилдан йилга ошиб бормоқда. Навоий шаҳрининг ўзига хос ва мос кўрк-у тарвотига ҳусн қўшаётган замонавий уй-жойлар билан бирга вилоят архивининг янги биноси, матбуот уйи, вилоят телерадио компанияси, кураш мактаби каби иншоотлари ва 2010 йилда шаҳар марказидаги Алишер Навоий номидаги боғда 2400 томашабинга мўлжалланган амфитеатр, 2011 йилда “AQUA” парк, “Ёшлар маркази” мажмуалари мисол бўла олади.

Мамлакатимизнинг харитасида ўтган асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган Навоий шаҳри кудратли саноат марказига айланди ва қисқа вақт ичида юртимизнинг энг гўзал кентлари қаторидан жой олди. Эндиликда шаҳар Қизилқумни янада кенг миқёсларда ўзлаштириш, уни дунё харитасидаги ёш ва келажаги буюк давлатнинг чинакам хазинасига айлантириш йўлидаги бунёдкорлик ишларининг чинакам марказига айланди. Мустақиллик йилларида шаҳар ҳар жиҳатдан кўркамлашиб, замонавий қиёфа касб этди, мамлакатимизнинг йирик маданий-маърифий марказларидан бирига айланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Герадот. История В 9-ти кн. Перев Г.А. –М.: Ладомир, ООО “Фирма” издательство АСТ”. 1999.
2. ЎЗР МДА 20 - фонд, 1- рўйхат, 25 - иш, 144- варақ.
3. Навоий вилояти давлат архиви. 3 - фонд, 24 - рўйхат, 53 - иш, 25 - варақ.
4. Ризаев С.Р. Навоийский горно-металлургический (Очерки новейшей истории). - Ташкент: Шарк, 2008.
5. Чебыкин А. А. Записки строителя. - Ташкент: Узбекистан, 1970.
6. Кучерский Н.И., Аствацатурян Г.Г., Бердников Е.А. Навоийский горно-металлургический комбинат. - Ташкент: Шарк, 2002.
7. Вентшейн Л. Имя для города // Правда Востока. 1994 год 16 апрель.
8. Кучерский Н.И. Золото Кызылкумов. - Ташкент: Шарк, 1998.



Нодирбек САЙФУЛЛАЕВ,
Камолитдин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори,
тарих фанлари номзоди, доцент
E-mail: info@mrtdi.uz

CONFLICTS IN THEATER GROUPS AND THE EMERGENCE OF THEATER STUDIOS DURING THE PERIOD OF "RECONSTRUCTION"

Abstract

At the stage of "RECONSTRUCTION" in the life of society, contradictions arose in the theatrical art, which embraced all the theaters of the country, the division of artists into theaters and studios in order to achieve creative independence, as well as a transparent theatrical model was fully and comprehensively considered.

Theatrical model of Uzbekistan includes the study of theatrical legislation, the formation of theaters, genre balance, theatrical leadership, problems of touring festivals, the state of theater buildings. These problems are considered from the point of view of pure drama, drama, direction and acting.

Key words: Reconstruction period, theater, studio, creativity, festival, repertoire, performance, actor.

КОНФЛИКТЫ В ТЕАТРАЛЬНЫХ КОЛЛЕКТИВАХ И ПОЯВЛЕНИЕ ТЕАТРАЛЬНЫХ СТУДИЙ В ПЕРИОД «РЕКОНСТРУКЦИИ»

Аннотация

На этапе «перестройки» в жизни общества возникли противоречия в театральном искусстве, охватившее все театры страны, разделение артистов на театры и студии с целью достижения творческой самостоятельности, а также прозрачная театральная модель полностью и всесторонне рассмотрена.

Театральная модель Узбекистана включает изучение театрального законодательства, становление театров, жанровый баланс, театральное руководство, проблемы гастрольных фестивалей, состояния театральных зданий. Эти проблемы рассматриваются с точки зрения чистой драматургии, драматургии, режиссуры и игры.

Ключевые слова: Период «Перестройки», театр, студия, творчество, фестиваль, репертуар, спектакль, актёр.

“ҚАЙТА ҚУРИШ” ДАВРИДА ТЕАТР ЖАМОАЛАРИДАГИ ЗИДДИЯТЛАР ВА ТЕАТР-СТУДИЯЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Аннотация

Жамият ҳаётида бошланган “қайта қуриш” босқичида театр санъатида илгаридан тўпланиб келган зиддиятлар юзага чиқиб, бу республикадаги барча театрларни камраб олганлиги, ижоддан қоникмаган ва иждодий мустақилликка эришиш мақсадида бўлган ижодкорларнинг театр-студияларга ажралиб чиқиши, шунингдек, ошқора тус олган театр модели масаласи таҳлиллар асосида, тўла-тўқис ва атрофлича қаралади.

Ўзбекистон театр модели ўз ичига театр қонуниятлари, театрларнинг фаолиятини шакллантириш, жанрий мутаносиблик, театрларни бошқариш, гастроль-фестиваллар ўтказиш муаммолари, театр биноларини аҳволини ўрганишни ўз ичига олади. Бу муаммолар соф театршунослик нуктаи назаридан драматургия, режиссура ва актёрлик санъати ракурсидан кўрилади.

Калит сўзлар: “Қайта қуриш” даври, театр, студия, ижодкорлик, фестиваль, репертуар, спектакль, актёр.

Шўролар тузумининг инкирозидан далолат берган “қайта қуриш” босқичи (1985-1991)да “ижтимоий ҳаёт демократиялашуви бошланиб, фикр ва сўз эркинлигига, шунингдек, эски мафкура исканжаларидан қутилган бадий ижодга янгича қараш юзага келди” [1]. Санъатда, шу жумладан, театр жамоаларида анча илгаридан тўпланиб келган ички зиддиятлар юзага қалқиб чиқди, ошқора тус олди. Биринчидан, ички зиддиятлар Тошкент театрларида бошланиб, вилоят театрларида давом этди. Иккинчидан, зиддиятлар театрлар ичидагина қолмай, драматурглар ва танқидчилар орасига ҳам кўчди ва жиддий ижтимоий тус олди. Баҳс-мунозарага айланиб кетди.

Ушбу жараён Ҳамза номидаги академик драма театрида бошланганини қўрамиз. Театрда асарларни саҳналаштириш ва актёрлар билан ишлашда бир-биридан фарқ қилувчи икки режиссёр – Б.Йўлдошев ва Р.Ҳамидов фаолият кўрсатган. Б.Йўлдошев режиссёрлик талқинини биринчи ўринга қўйиб, актёрларни шунга бўйсундириш амалини қўллаган бўлса, Р.Ҳамидов янги асарни қўлга оларкан, биринчи галда саҳнавий талқинини эмас, актёрни

ўйлади. Б.Йўлдошев образли ечим, бадий яхлитлик ҳақида ўйлаб, пардалардан воз кечиб, воқеалар майдонини кенгайтириб, томошабинларни ҳам воқеалар иштирокчисига айлантиришга интилган бўлса, Р.Ҳамидов ҳар қайси спектаклида бир таниқли актёр етакчи бўлиб, воқеалар ва иштирокчиларни унинг атрофида уюштиришга ҳаракат қилди. 70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг биринчи ярмида саҳналаштирилган “Ғариблар” (В.Дельмар), “Рўйхатларда йўқ” (В.Васильев), “Тирик мурда” (Л.Толстой), “Томоша давом этади” (З.Фатхуллин), “Нодирабегим” (Т.Тўла), “Абу Али ибн Сино” (Уйғун), “Ўн учинчи раис” (А.Абдуллин), “Алмандар” (Т.Минуллин), “Гурунг” (М.Бобоев), “Зебуннисо” (Уйғун), “Юлдузли тунлар” (П.Қодиров романи асосида) спектаклларида Б.Йўлдошев услубининг, “Оловни ташлама, Прометей!” (М.Карим), “Шошма, куёш!” (Ў.Умарбеков), “Алвон яйловдаги қўқ тулпорлар” (М.Шатров), “Кузнинг биринчи куни” (Ў.Умарбеков), “Баланд қоядаги аёллар” (Х.Вуалийоиқи), “Ўз аризасига кўра” (Ў.Умарбеков), “Йўлчи юлдуз” (К.Яшин), “Ўғрини қароқчи урди” (Шукрулло) спектаклларида Р.Ҳамидовга

хос хусусиятларни кўриш мумкин. Хуллас, илгаридан театрдаги икки бадий раҳбар (лидер) томонига ўтиб олган актёрлар гуруҳлари “қайта қуриш” босқичидаги ошкоралик, фикр эркинлиги таъсирида ўз қарашларини, позицияларини очик ифода этишга ўтдилар. 1985 йил бошида шикоятлар, театр ичидаги ихтилоф, қарама-қаршиликлар кучайиб, икки кун давомида икки гуруҳга ажралган актёрларнинг ўзаро низолари акс этган эҳтиросли нутқлари тингланди. Бирок қарор қабул қилинмади. Бир-икки кун ўтгач, қайси режиссёр ва унга якин актёрлар Ҳамза театрида ишлашни хоҳламаса, “Ёш гвардия” театрига ўтиб ишласин, деган қарор театр маъмуриятига маълум қилинди. Натижада Б.Йўлдошев бошчилигида 24 актёр “Ёш гвардия” театрига ўтказилди.

Шуниси қизиқки, ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат драма театри номини олган “Ёш гвардия” театри 1968 йилда режиссёр Эргаш Масофаев бошчилигида Республика ёш томошабинлар театридан ажралиб чиққан Тўғон Режематов, Ширин Азизова, Фарҳод Аминов, Исамат Эргашев, Мурод Ражабов, Мадина Маҳмудова, Доно Бобохонова, Малика Иброҳимова, Ноила Тошкенбоева каби актёрлар томонидан ташкил этилган эди. Уларнинг мақсади ҳам репертуар, ҳам сахнавий, ҳам ижро нуктаи назаридан бошқа театрлардан яққол ажралиб турувчи, ёркин, чинакам замонавий ёшлар театри яратиш бўлган. Ундан кейин бир-икки мавсум Б.Ихтиёров, Ҳ.Файзиев “Ёш гвардия”да бош режиссёр бўлиб ишлаган. Мана шундай бир пайтда Б.Йўлдошев театрга бадий раҳбар этиб тайинланган, театрнинг ўз актёрларига Ҳамза театридан ўтган актёрларни бирга қўшиб, ўз ижодий услуби, ўз йўналишини давом эттиришга киришган.

Дарвоқе, 1985 йилда Ҳамза театрида кичик сахна очилиб, Учқун Назаровнинг “Ойна” ва Т.Уильямснинг “Шиша қафас” спектакллари кўрсатилган эди. “Ойна” драмасини муаллифининг ўзи сахналаштирган бўлиб, томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан қарши олинган. Бунга воқеаларнинг томошабинлар қуршовида кўрсатилгани, сахна маконининг ойнаванд кутини эслатиши, ижрочиларнинг ўз-ўзи билан сўзлашгандай эҳтирос билан ҳаракатланиши сабаб бўлган. [2]

Спектакль ҳар бир инсон кўзгуга қарагандай ўз виждони билан тез-тез мулоқот қилиб туриши керак, дегандай тасаввур қолдирган.

1986 йил охирида театрга маълум даражада синовдан ўтган ёзувчи ва кинорежиссёр Учқун Назаров директор, атоқли кино устаси Латиф Файзиев бош режиссёр этиб тайинланади. Р.Ҳамидов ҳам навбатчи режиссёр сифатида ўз ишини давом эттиради. Янги раҳбарлар театр жамоасини тинчитиш, Б.Йўлдошев билан бошқа театрга ўтиб кетган актёрларнинг спектакллардаги ролларини бошқаларга бериб, мўтадил ижодга ўтишга астойдил ҳаракат қилишади. Бадий кенгаш таркиби ўрта ва ёш актёрлар ҳисобига ўзгартирилади. Театрнинг якин беш йилга мўлжалланган репертуар режиси тузилади. Театрнинг энг машҳур томошаларидан бири бўлмиш “Келинлар кўзғолони” барча ижрочилари (З.Садриева ва бошқалар) билан “Ёш гвардия”да тикланади. Б.Йўлдошев драматург Саид Аҳмад билан ижодий ҳамкорликни давом эттириб, “Келинлар кўзғолони”нинг кейинги қисми – “Фармонбиби аразлади” комедиясини сахналаштиради. “Келинлар кўзғолони” комедиясини Ҳамза театрида ҳам тиклашга ҳаракат қилинади. Латиф Файзиевнинг ўзи икки йил ичида биргина Ў.Умарбековнинг “Иғво” асарини сахналаштиради, холос. У ҳам бор-йўғи уч мартгагина кўрсатилади. Бош режиссёр театрнинг оғир аҳволга тушиб қолганини яширгани йўқ. “Театримизда қўйилаётган спектаклларнинг, - деган эди у, - таъсир кучи деярли йўқлиги, режиссура ва актёрлар маҳорати талаб

даражасида эмаслигини танқид қилмоқдалар. Бу таъналарни инкор этмоқчи эмасман”. Л.Файзиев театр нуфузини тиклашга астойдил интилиб, четдан режиссёрларни таклиф қила бошлади. Тоживой Исроилов К.Гоццининг “Бахтли гадолар”, Шароф Бошбековнинг “Тақдир эшиги” асарларини, Носир Отабоев эса Эркин Воҳидовнинг “Истамбул фожиаси”ни сахналаштирди. Рустам Ҳамидов ҳам тинч ўтиргани йўқ. “Кориолан” (Шекспир) трагедиясини сахналаштирди. 1988 йили театр ўзининг 70 йиллигини нишонлар экан, мазкур спектакллар томошабинлар ва мутахассислар эътиборини қозонди.

Режиссёр Т.Исроилов Гоццининг “Бахтли гадолар” асарига мурожаат қилгани бежиз эмас. Унда воқеалар кўхна Самарқандда кечади. Асосий қаҳрамонлар сифатида италян халқ театри – комедия дель-артеннинг Труффальдино, Панталоне, Бригелла ва Тартальядан иборат персонажлари намён бўлади. Улар воқеаларга бевосита аралашидан ташқари, шарҳловчи ва томошабин билан бевосита мулоқотга қирувчилар сифатида гавдаланадилар. Режиссёр спектаклга замонавий руҳдаги интермедиялар киритган. Асар жанри трагикомик эртақ деб белгиланган, бироқ бу хусусият спектаклда тўла намён бўлмаган, расмана фожиавий ҳолатлар, реал кечинмалар устулик қилган. “Қақат Гулчехра Жамилова ва Зухра Исмоилова Гулжаҳон ролида, актёр Жамшид Зокиров татар савдогар, Эркин Комилов Ўзбек ролида бундан мустасно. Бу артистлар асар жанрини чуқур ҳис этадилар” [3]. Айниқса, Э.Комилов катта муваффақият қозongan: у гавдалантирган Ўзбек аслида Самарқанд султони, шу билан бирга гоҳ гадо, гоҳ савдогар ва бошқа кифоаларда юриб, вазири соткин Музаффарни (бу ролда Қаҳрамон Саъдуллаев гавдаланган) кузатади. Жанрни ҳис этиш борасида Обид Юнусов (Труффальдино), Жамшид Зокиров (Тарталья), Махмуд Дўсмағов (Бригелла) яхши натижаларга эришган. Аммо ҳамма ижрочилар ҳам трагикомедик ҳолатларни ифода қилишда шундай даражада эмас, улар хамиша жиддий, расмана психологик ҳолатларда яшашади.

Шоир ва драматург Эркин Воҳидовнинг “Истамбул фожиаси” асарида ака-ука Искандар билан Жалолнинг машғул иккинчи жаҳон уруши ва ўзаро чигал муносабатлари туфайли бошига тушган фожиалар, алам-изтироблар ҳақида сўз боради. Жалол ўз укаси Искандарнинг севган қизи Саодатга уйланган, Искандар эса бу аламга чидолмай фронтга кетган, танк остига ўзини ташлаган, бироқ омон қолган, асир тушган, лагердан қочган, бегона юртларда дарбадар ҳаёт кечирган. Жалол Искандарни ўзга юртларда тирик кўриб, виждон азобида қолади ва ўзини ўзи қурбон қилади. Аммо Искандар бошқача: ёвузлар қўлига тушиб иродасиз, кўрқок одамга айланган, ватани – Ўзбекистонга ҳам сохта ном билан келиб, уйқуда ётган муштипар онасига ўғринча бокқан, уни уйғотишга ботинолмаган кимса. Ўзбекистон халқ артистлари Зикир Мухаммаджонов ва Ёқуб Аҳмедовлар Жалол билан Искандарнинг мана шундай қисмати, бир-бирдан кескин фарқ қилувчи характери, алам-изтиробларини теран англаган ва таъсирли акс эттирган. Мана шундай мураккаблик, психологик кечинмалар, ички изтироб Жалолнинг турмуш ўртоғи, Искандарнинг суюқлиси Саодат ролини ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Иқрома Болтаева талқинига ҳам хос хусусиятлардир. “Бу уччала образни Толиб Каримов ҳам, Саидкомил Умаров ҳам, Рихси Иброҳимова ҳам талқин этишган. Уларнинг меҳнатлари ҳақида самимий мулоҳазалар айтиш мумкин. Масалан, Рихси Саодат образининг қарама-қарши муҳокамаларини, ҳаяжони ва талваса сахналарини ниҳоятда ҳаётий таҳлил қилган” [4].

Драматург Шароф Бошбековнинг “Тақдир эшиги” асари асосида яратилган спектаклда ёнма-ён яшаса-да, бир-бирини танитмаган икки ажойиб инсоннинг (эркак-созанда, аёл-меъмор) кутилмаганда танишиб, ўрталарида меҳр-муҳаббат туғилиши Жамшид Зокиров билан Гавҳар Зокировалар томонидан турли воситаларни (юмор, драматизм, кувонч, истехзо каби) ишга солган ҳолда очиб берилди. Ярим тунда созанда машқлари жонига теккан жувон деворни ургач, созанда у турган уйга киради, улар айтишади, эркак чиқиб кетмоқчи бўлганда, кулфи бузук эшик очилмайди. Шунда улар ўртасида ноилж бошланган аччиқ-санчиқ гаплар секин-аста ўзаро кизиқиш, суҳбат тусини олиб, бора-бора ҳар бирида пайдо бўлган илик хиссиёт муҳаббатга, яъни кулфи бузук эшик бахт эшигига, тақдир эшигига айланади. Режиссёр Т.Исроилов ва актёрларнинг хизмати шундаки, “улар пьесада яққол кўзга ташланиб турган ёлғизлик мавзусини ёритиш билангина кифояланиб қолмадилар, балки икки ёлғиз кимса биқик оламни аввалига қийинчилик билан кейин эса катта кувонч билан тарк этиб, ниҳоят уларнинг ҳам меҳр-муҳаббатига ташна инсонлар борлигига ишонч ҳосил қилиб, бир-бирларига пешвоз чиқдилар” [5].

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги ҳар қайси театрда қайта қуриш ва ошқоралик босқичида, бир томондан, катта-кичик ички ва ташқи зиддиятлар, баҳс-мунозаралар, иккинчидан, турғунликдан чиқиш, ижодда янгиликка интилиш, экспериментлар ўтказиш кўзга ташланиб турган. Кўпгина театрларда мавжуд консерватив ижодий шароитга қўника олмаган, янгиликка интилувчи, замон руҳини сезган бир тоифа сахна ижодкорлари (асосан ёшлар) театр труппасидан ажралиб чиқиб, ўзларича мустақил, янгича ишлаш ҳаракатини бошлаб юбордилар. Шу тарзда янги-янги театр-студиялар пайдо бўлади. Бу ҳаракатнинг бошида кейинчалик “Илҳом” театри номини олган театр ёшларининг экспериментал студияси (ЭСТМ) турган эди. Иттифоқ миқёсида кичик сахналар ҳақида навбатдаги баҳс-мунозаралар таъсирида бўлса керак, 1976 йилда экспериментлар ўтказиш учун Тошкентда студия тузиш ғояси туғилади. Шундай театр, шундай сахна тузилсаки, унда ўйин майдони билан томошабинлар ўрни ўзгариб турса, томошабин талтайиб ўтирмасдан, воқеалар иштирокчисига айланса, сахна билан зал ажратилмаса, актёрлар билан томошабинлар ягона маконда яшаса. Бу ғоя театр жамиятида ёшлар секциясини тузиш билан бошланади. Илк қадам сифатида бир гуруҳ ёшлар ўйналмаган ролларга бағишланган кечалар ўтказиш, театр санъатидаги янгиликлар бўйича суҳбатлар уюштириш, саноат корхоналари, қурилишлар билан танишувдан бошланади. Мана шу жараёнда бўлгуси студиянинг ўзаги таркиб топади. Театр жамияти ёшлар секцияси шаҳардаги ижодкор ёшлар клуби билан бирлашиб, дам олиш оқшомлари спектакллар билан, ўйналмаган ролларга бағишланган кечалар – расмана роллар билан алмашади. Шу тарзда вужудга келган студияга ёш режиссёр Марк

Вайль раҳбарлик қила бошлайди. Тошкентдаги ўзбек ва рус тилида ижод қилувчи ёш актёрлар Вайль кетидан эргашиб, студияга тўпланадилар[6].

Энди студияга доимо ишлаш учун бино бўлиши керак эди. Унга Ижодкор ёшлар уйининг подвали берилди. Студиячилар уни тартибга соладилар, театр жамияти уни янги техника билан жиҳозлаб беради.

Шу тариха 150 ўринли, сахна билан зални истаганча ўзгартириш, воқеаларни залнинг истаган жойида – сахнада, ўртада, бурчақда; катта ёритувчи ва овоз эффектлари билан кўрсатиш мумкин бўлган антиқа театр майдонга келади. Мана шу жойда бирин-кетин ижодий изланишлар маҳсули бўлган “Утиная охота” (А.Вампилов), “Мещанская свадьба” (Б.Брехт), “Магомед, Мамед, Мамиш” (Озарбайжон ёзувчиси У.Гусейнов романи асосида) спектакллари пайдо бўлади.

Қайта қуришнинг дастлабки қадамларида “Илҳом” театр-студияси Тошкентдаги драма театрлари ёш актёрларига эмас, ёш режиссёрларнинг ҳам ўз иқтидорларини тўла намоён этиш майдонига айланади.

Қайта қуриш босқичида пайдо бўлган театр-студиялар ҳамда студиячилик руҳида ижод қилган театрларнинг уч тенденцияни қайд этиш мумкин: бири – пардадан умуман воз кечиб, томошабинларни сахнада кечаётган воқеалар иштирокчисига айлантириш, иккинчиси – театр фойелари, юқори қаватлари, балконларини ҳам расомларнинг кўрғазмалари, фоторепортажлари билан беазаган ҳолда томошабинларда муайян кайфият уйғотиш, учинчиси – ҳар бир театрда жамоа истиқболини ўйлаган ҳолда иқтидорли ёшлар мактабини тузиш ҳаракати. Чунки, Тошкентдаги санъат институтини битирган актёр ва режиссёрлар, айниқса, вилоят театрларида зарур шароит бўлмагани сабабли бошқа соҳаларга ўта бошлашди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, қайта қуриш, ошқоралик баҳонасида Ўзбекистон театрлари жамоаларида юзага келган зиддиятлар, баҳс-мунозаралар фақат шу босқич ҳосиласи бўлмай, бутун шўролар даврида мафкуравий таҳдидлар, ғоявий кўрсатмалар, цензура, таъкиблар, адолатсизликлар, ҳар бир асарни кўпгина чиғириклардан ўтказиш туфайли йиллар давомида йиғилиб келган норозилик, эркин ижодга ташналик ифодаси эди.

Зиддиятлар ва ўзига хос ўзгаришлар Тошкентдаги етакчи театрлар ўртасида ҳамда вилоятлардаги театрлараро (Фарғона водийси, Бухоро – Самарканд, Қашқадарё – Сурхондарё, Жиззах – Сирдарё, Хоразм – Қорақалпоғистон ҳудудлари бўйича) горизонтал йўналишда ҳам юз берган, албатта. Бироқ, бу даврда Тошкент театрларининг юқоридан қуйи томон, вилоят театрларининг қуйидан юқори томон, яъни вертикал йўналишдаги ҳаракати қайта қуриш босқичида сахна санъатининг ўзига хос хусусиятлари ва тенденцияларини белгиллаган.

АДАБИЁТЛАР

1. Раҳимжонов И.И. Абдулла Қаҳҳор ва Ҳамза театри. - Т.: ЎзКПМК нашр., 1971. - 40 б.
2. Туляходжаева М. Творческие поиски режиссуры современного узбекского драматического театра // Ўзбекистон санъатшунослиги муаммолари. - Т.: Фан, 1997. - С. 61-73.
3. Раҳмонов М. Ҳамза (Ўзбек давлат академик драма театри тарихи) Биринчи китоб (1914-1960 йиллар). - Т.: Ғ.Ғулом ном. Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. - 325 б.
4. Туроб Тўла. Она - Ватан туйғуси // Совет Ўзбекистони. – 1988. - 12 май.
5. Исломов Т. Бахтли кадрлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1987. - 20 март.
6. Қодиров М. Уч иллиз ёки музыкали драмалар муаммоси // Совет Ўзбекистони. – 1985. - 19 июнь.



Зокир ЎРИНБОЕВ,
СамДУ таянч докторанти
Email: MZokir090890@gmail.com

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори Н.Р. Рустамова тақриси асосида

THE HISTORY OF THE ORIGIN OF THE CONCEPT "SMART"

Abstract

This article analyzes materials and data on the emergence of the concept of SMART. It also analyzes the role of SMART in various spheres of human life such as SMART cities, SMART economy, SMART society, SMART education, SMART universities, etc.

Key words: SMART, SMART education, SMART technologies, the concept of SMART.

ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПОНЯТИИ «SMART»

Аннотация

В данной статье анализируются материалы и данные по возникновению понятия SMART. Также анализируются роли SMART в различных сферах человеческой жизни как SMART-города, SMART-экономика, SMART-общество, SMART-образование, SMART-университеты и т.д.

Ключевые слова: SMART, SMART-образование, SMART-технологии, концепция SMART.

«SMART» ТУШУНЧАСИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ

Аннотация

Ушбу мақолада SMART тушунчасининг пайдо бўлиши ҳақидаги материаллар ва маълумотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада SMART-шаҳарлар, SMART-иктисодиёт, SMART-жамият, SMART-таълим, SMART-университетлари ва бошқалар каби инсон ҳаётининг турли соҳаларидаги SMART-тушунчасининг роли таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: SMART, SMART-таълим, SMART-технологиялар, SMART-концепцияси.

Кириш (Introduction). Ҳеч шубҳа йўқки, бизнинг замонимиз SMART даври. Бу тушунча ҳозирда фақатгина маиший ҳамда кундалик қулайликларини англамай, балки инсониятнинг иқтисодиёт ва жамият талабларига жавоб бериши, атрофдаги оламнинг узлуксиз ўзгаришига мослашишга тайёрлигини билдиради. SMART-технологиялар келажакка эришиш воситаси бўла оладими ёки йўқми, буни биз қанчалик тез SMART-жараёнга ўтишимизга боғлиқ. SMART-технологияларнинг ривожланиши стихияли жараён. Масалан, кечаги кун биз учун “аҳборот асри” эди, бугун биз учун янги ҳаёт элементларини SMART-уйлар белгиламоқда. SMART-уйлар SMART-шаҳарларда жойлашмоқда, бу шаҳарларда эса ускуналар ва тизимлар автоматик равишда, одамларнинг аралашувисиз, улар яшайдиган ҳар бир оиланинг кундалик эҳтиёжларидан келиб чиқиб уларни қондиришга хизмат қилмоқда. SMART бугунги кунда энг муҳим тенденция сифатида аҳолини ижтимоий ва коммунал муаммолардан: тирбандликлардан, навбат кутиш, энергия, коммунал хизматларга боғлиқликдан ва шаҳар тузилмалари назоратининг йўқлигидан бутунлай халос этадиган SMART-шаҳарларни яратиш мақсадида вужудга келган [4].

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** SMART тушунчаси Питер Фердинанд

Дрюкер (19.11.1909 - 11.11.2005) - австриялик америкалик олим; иқтисодчи, публицист, ўқитувчи, XX асрнинг энг нуфузли бошқарув назарийчиларидан бири билан боғлиқ. Питер Дрюкер 1954 йилда фанга SMART қисқартмасини киритди. Шунингдек, А.Карманов [6], А.Нестерова [7], И.Шубина [10], О.Долженко [5], Б.Элов [1], Г.Поллак, Б.Славин, А.Алетдинова каби олимлар SMART-технологиялар мавзусида тадқиқот олиб боришди..

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Мақола тайёрлаш жараёнида SMART тушунчасига оид илмий, оммабоп, педагогик, методик, дидактик адабиётларни қиссий ўрганиш ва таҳлил қилиш, кузатиш, суҳбат, ташхислаш методларидан фойдаланилди.

- **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Умуман олганда, «SMART» сўзи иккита маънога эга. Биринчиси инглиз тилидан таржима қилинган «ақли» деган маънони англатади. Иккинчи ҳолда, бу сўз 1954 йилда Питер Дрюкер (америкалик олим, иқтисодчи, публицист, ўқитувчи) томонидан киритилган қисқартмани билдиради [4].

Аммо биз ишлатадиган сўз инглизча сўзларнинг биринчи ҳарфлари билан тузилган бўлиб, унинг бошқа маънолари ҳам мавжуд.

1-жадвал

SMART қисқартмасининг маъноси

Бош ҳарф	Management [3]	Business [3]	Education [2]	IT [1]
S	Specific (маҳсус)	Specific (маҳсус)	Self-Directed (шахсга йўналтирилган)	Sosial (ижтимоий)
M	Measurable (ўлчанадиган)	Measurable (ўлчанадиган)	Motivated (мотивациялашган)	Mobile (мобил, яъни ихчам)
A	Achievable	Attainable	Adaptive	Access

	(эришиладиган)	(бошқариладиган)	(мослаштирилган)	(маълумотлар базаси)
R	Relevant (боғлиқ)	Relevant (боғлиқ)	Recourse-enriched (ресурс билан бойитилган)	Regulated (мунтазам бошқариладиган)
T	Timely (вакти чегараланган)	Time-bounded (вакти чегараланган)	Technological (технологик)	Technology (технологик)

Педагогикага оид тадқиқотларда ушбу тушунчанинг иккитасидан фойдаланилади. Одатда ушбу тушунча кўпроқ натижалари кафолатланган мақсадлар

қўйиш учун ишлатилади. Бунда «SMART» қўллаш жараёнида биз SMART-технологиялар қандай мақсадларни қўзлаётганини тушуна оламиз:

2-жадвал

SMART қисқартмасининг педагогикада қўлланилиши

Бош харф	Management [3]	Education [2]
S	Specific (маҳсус)	Self-Directed (шахсга йўналтирилган)
M	Measurable (ўлчанадиган)	Motivated (мотивациялашган)
A	Achievable (эришиладиган)	Adaptive (мослаштирилган)
R	Relevant (боғлиқ)	Recourse-enriched (ресурс билан бойитилган)
T	Timely (вакти чегараланган)	Technological (технологик)

Ушбу мақсадлар биз яшаётган жамиятни SMART-жамиятга айлантиришни кўзда тутди. SMART-жамият - нафақат ахборотнинг ўзаро таъсири ва илмий-ўқув фаолият учун, балки инсоннинг бутун ҳаёти учун сифат жиҳатидан фарқ қиладиган инфратузилмага эга бўлган, инсониятнинг иқтисодий, ижтимоий ва когнитив, шахсий ривожланиши учун янги шароит ва имкониятлар яратувчи жамиятдир.

SMART-жамиятнинг фаолиятини таъминлаш учун SMART-технологиялар зарур. SMART-технологиялар меҳнатни ақлли ва инновацион бошқарув стратегиясига айлантиришни назарда тутди. Бу эса мослашувчанлик ва индивидуалликка асосланган, инсон кадр-қимматини биринчи ўринга қўядиган янги жамиятга ўтиш учун зарур.

Ижодий ҳамда креатив салоҳиятга эга бўлган, ўзгараётган дунёда ишлаш ва фикрлашга қодир кадрлар тайёрлаш бугунги куннинг энг муҳим масаласи ҳисобланмоқда. Бу масаланинг негизда ахборот маданиятига эга бўлган, керакли маълумотни тез ва самарали излаб топиш ва фойдаланиш қобилиятининг мажбурий талабга айланиши ётади. Ўз-ўзидан ижтимоий тармоқларда, электрон манбаларда ишлашда амалий кўникмага эга бўлмаган, шахсий билимлар базасини тузишни билмайдиган мутахассисга эҳтиёж йўқолади [10].

Smart-университетнинг вазифаси smart-жамиятда ишлаш кўникмаларига эга бўлган мутахассисларни тайёрлашдир [9]. Мазкур университетлар интернет орқали smart-жамият талабларига мос келадиган мутахассисларни технологик инновациялар, таълим, тадқиқот, тижорат, ижтимоий ва бошқа фаолият натижалари асосида ўқитиш учун мўлжалланган. Кўплаб афзалликларига қарамай, smart-жамиятнинг камчиликлари ҳам мавжуд. Бунда инсоннинг шахсий ҳаёти шахсий, махфийлигини йўқотади. Инсоннинг индивидуал, махфий ва шахсий маълумотлари ҳамма учун очик бўлиб қолади, ахборот даҳсизлиги таъминланади. Ахборотнинг шахсга таъсири кучайди, психологик муҳит ёмонлашади.

SMART-шаҳарлар. Ҳар даврнинг ўзига хос талаблари, тенденциялари бўлгани каби, бугунги куннинг энг муҳим тенденцияси аҳолини ижтимоий ва коммунал муаммолар (тирбандлик, навбат кутиш, энергияга боғлиқлик, шаҳар тузилмаларини бошқаришдаги муаммолар)дан бутунлай халос этадиган smart-

шаҳарларни яратиш бўлиб қолди. Инсоният цивилизация юксаклашгани сари, янада кўпроқ қулайликларга эҳтиёж сезмоқда. Замон ва макон тушунчаси билан боғлиқ масалалар вақт ўтгани сайин ўз аҳамиятини йўқотмоқда [9]. Бунинг натижасида бугуннинг машина, уй, телефон, пул ва савдо, саноат соҳаси “ақллилашиб” бормоқда. Буларнинг барчаси келажақда жамият ҳамда инсон ҳаётининг янада “ақлли”лашишига асос бўлиш билан бирга, мазкур соҳаларни бошқариш салоҳиятига эга бўлган анада янги технологияларни қўллаш оладиган янги авлодни дунёга келтириш талабини кун тартибига қўяди. Табиийки, мазкур вазифани smart-технологияларсиз амалга ошириш имконсиз. Албатта, навбатдаги вазифа smart-технологияларни қўллаш оладиган smart-таълим беришни таъминлаш масаласини ҳал этишга айланади [8].

Smart-таълим ёки “ақлли” таълим - бу интерактив таълим муҳитида ҳамма учун очик бўлган контентдан дунёнинг исталган нуқтасидан туриб фойдаланиш имконини берувчи мослашувчан таълим [7].

“Ақлли” таълим ўқитувчи олдида янги вазифалар қўяди. Ўқитувчи нафақат ўз касби бўйича профессионал бўлиши, балки катта ҳажмдаги ахборот, билим, ресурсларни билиши ва талабалар билан ишлашда турли технологиялардан фойдалана олиши зарур. Шу билан бирга, ақлли таълим ўқитувчиларга тажриба ва ғоялар билан бўлиши, кўпроқ илмий тадқиқот билан шуғулланиш, талабанинг вазифаси ва малакасига қараб кўрсати индивидуаллаштириш, контентни нолдан яратиш ўрнига мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиш ҳисобига вақтни тежаш каби янги имкониятларни очиб беради.

Smart-таълим концепциясига кўра, замонавий ўқув дастури янги хусусиятларга эга бўлади. У ҳам таълим сифатини таъминлаши, ҳам талабани ўқишга рағбатлантириши керак. Кўп сонли электрон материалларга эга бўлган замонавий ўқувчини оддий дарсликлар билан қизиқтириш деярли мумкин бўлмай қолганини ҳисобга олсак, янги авлод дарсликларини яратиш масаласини ҳал қилиш лозим бўлади. Smart-таълим фаннинг барча ўқув фаолиятини тубдан ўзгартиради, бу эса талабанинг мотивациясини ривожлантириб, ижодий ҳамда илмий фаолиятга ундайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Elov, B.B., Organization and management of the learning processes based on smart technology. Abstract of Dissertation of The Doctor of Philosophy (Phd) on Technical Sciences, 2018.
2. Smart-технологии в высшем образовании. 2017. <http://www.library.fa.ru/exhib.asp?id=199>
3. There's a S.M.A.R.T. way to write management's goals and objectives // Management Review. — Volume 70, Issue 11(AMA FORUM). — P. 35-36».
4. Алетдинова А.А. Развитие Smart-образования как инновационной технологии /Алетдинова А.А., Мельниченко А.А. //Вестник Югорского государственного университета. -2015.-Выпуск№ S2 (37)
5. Долженко О.В. Университет и образование: между прошлым и будущим. // Педагогика и просвещение. - 2013. - № 1. - С. 19-36. DOI: 10.7256/2306-434X.2013.01.3
6. Карманов А.М. Smart как качественно новая ступень развития постинформационного общества //Статистика и экономика. -2014.-№ 5.
7. Нестерова А. О соотношении SMART общества и общества, построенного на знаниях, (препринт, апрель 2014 г.)
8. Поллак Г.А. Smart-образование: новые вызовы и новые возможности //Педагогические и информационные технологии в образовании. -2015.-№ 14.
9. Славин Б. Закат университетов // URL: <http://ibusiness.ru/blogs/26195>.
10. Шубина Ирина Владимировна Smart и развитие современного образования // Статистика и экономика. 2015. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/smart-i-razvitie-sovremennogo-obrazovaniya> (дата обращения: 20.08.2021).



УДК: 376.72

Зилола ХАЛИЛОВА,

к.и.н., докторант института Востоковедение им.Бируни
Академия наук Республики Узбекистан
zilola_kesh@mail.ru

ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқишунослик институти т.ф.н., катта илмий ходими А.Базарбаев тақризи асосида

ГУМАНИТАРНЫЕ НАУКИ В СРЕДНИХ СПЕЦИАЛЬНЫХ ИСЛАМСКИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ УЗБЕКИСТАНА: МЕЖРЕЛИГИОЗНАЯ ТЕРПИМОСТЬ И ВОПРОСЫ СВЕТСКОСТИ В ОБРАЗОВАНИИ

Аннотация

В различные исторические периоды случались идейные противостояния между религией и наукой. Однако, в современном мире преподавание религиозных знаний совместно со светскими науками способствует дополнению друг друга в деле гармоничного воспитания всесторонне развитого человека. В религиозных образовательных учреждениях преподавание общественных наук считается одним из особо значимых вопросов. В данной статье представлены размышления о современном состоянии обучения в исламских учреждениях (на примере женских медресе) таким общественным наукам, как религиоведение, история, география, педагогика, психология и возможности использования этих знаний в светском обществе.

Ключевые слова: Гуманитарные науки, медресе, образование, Узбекистан, ислам, религия.

ЎЗБЕКИСТОН ЎРТА МАХСУС ИСЛОМ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИЖТИМОЙ ФАНЛАР: ДИНЛАРАТО ТOLERАНТЛИК ВА ТАЪЛИМДА ДУНЁВИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ

Аннотация

Турли тарихий даврларда дин ва фан ўртасидаги баҳсларда мафкуравий қарама-қаршиликлар бўлиб турган. Бирок, замонавий дунёда диний билимларни дунёвий фанлар билан бирга ўқитиш, ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашда бир бирини тўлдириш вазифасини бажаради. Бу жараёнда диний таълим муассасаларида ижтимоий фанларни ўқитиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада ислом таълим муассасаларида (хотин-қизлар мадрасаси мисолида)диншунослик, тарих, география, педагогика, психология каби ижтимоий фанларни ўқитишнинг ҳозирги ҳолати ва дунёвий жамиятда бу билимлардан фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилди.

Калит сўзлар: Гуманитар фанлар, мадраса, таълим, Ўзбекистон, ислом, дин.

HUMANITARIAN ARTS IN SECONDARY SPECIAL ISLAMIC EDUCATIONAL INSTITUTIONS OF UZBEKISTAN: INTER-RELIGIOUS TOLERANCE AND ISSUES OF SECULARITY IN EDUCATION

Abstract

In different historical periods, there were ideological confrontations between religion and science. However, in the modern world, teaching religious together with secular sciences contributes to complementing each other in the harmonious education of a well-rounded person. In religious educational establishments, the teaching of humanitarian arts is considered one of the most significant issues. This paper highlights reflections of the current state of teaching in Islamic educational establishments (female's madrasa) such humanitarian arts as religious studies, history, pedagogy, psychology and the possibilities of using this knowledge in a secular society.

Key words: Humanitarian arts, madrasah, education, Uzbekistan, Islam, religion.

Введение. В современном глобализованном обществе идёт борьба разных мнений и идей. В этом процессе религиозный фактор используется в качестве средства для достижения политических целей, разжигания разного рода конфликтов. В таких условиях посредством доведения до молодёжи гуманистических и воспитательных аспектов религии важное значение обретает внедрение идеи межрелигиозной терпимости. Именно этой стороне вопроса уделяется внимание в реформах, проводимых в последние годы в Узбекистане в сфере образования. В таких светских образовательных учреждениях, как школа, среднее образование, высшее образование и профессиональные колледжи в качестве общественных наук преподаются "Религиоведение", история религий, а в таких религиозных образовательных учреждениях, как исламские средние специальные училища особое внимание уделяется преподаванию об-

щественных предметов и для этого создаются учебники и учебные программы.

Основная часть. С обретением независимости Узбекистаном начался процесс восстановления исторических традиций, исламских ценностей на основе требований нового времени. В этом процессе, с учётом международного опыта на основе обеспечения прав и свобод человека, была создана новая правовая юридическая база для координации отношений религии с государством, свободы совести и деятельности религиозных учреждений[3].

На основе законодательных документов в Республике при Управлении мусульман Узбекистана начали свою деятельность средние специальные исламские училища – медресе: "Кукельдаш" в Ташкенте, "Мир-Араб" в Бухаре, "Сайид Мухийддин Махдум" в Андижане, "Мулла Киргиз" в Намангане, "Ходжа Бухари" в Китабе, "Фахриддин ар-Розий" в Ургенче, "Мухаммад

аль-Беруни” в Нукусе, женские училища “Хадичай Кубро” в Ташкенте, “Джуйбори калон” в Бухаре, а также Ташкентский исламский институт и высшее медресе Мир-Араб в Бухаре [2].

Следует сказать, что в своей официальной деятельности средние специальные исламские училища в процессе образования согласно требованиям секулярного общества руководствуются Законом “Об образовании”, “Национальной программой по подготовке кадров”, “Религиозным образовательным стандартом”, а также приказами и инструкциями Комитета по делам религий при Кабинете Министров Республики Узбекистан и Управления мусульман Узбекистана. Исходя из этого, цель училища заключается не только в подготовке кадров, глубоко изучивших основы религии, но и подготовки исламоведов со средним специальным образованием, учительниц арабского языка, специалистов для работы на должности советников по вопросам духовно-просветительского и нравственного воспитания, обстоятельно овладевшими историей и теорией религий, воспитанными в духе гуманизма, любви к своему народу, верности Родине. Также в эту сферу деятельности входит подготовка исламоведов со средним специальным образованием, кроме того обучают кадров способных работать учителем арабского языка, консультантом по вопросам религиозного просвещения и духовно-нравственному воспитанию.

До 2000 года эти религиозные образовательные учреждения работали на основе учебной программы, разработанной Управлением мусульман Узбекистана [5]. Несмотря на то, что основное внимание в этот период уделялось подготовке кадров по специальностям учителя религиоведения, начального курса арабского языка и этики, согласно учебной программе, наряду с изучением Священного Корана, тафсира, хадисов, науки акиид, мутлаа (чтение) преподавалась грамматика арабского языка, сарф (морфология арабского языка), нахв (синтаксис арабского языка), узбекский язык и литература, история, география, английский язык, физика, математика, астрономия, информатика и другие светские науки. Кроме основной специальности юноши дополнительно обучались живописи, парихмахерскому, поварскому делу, а девушки – швейному делу, ткачеству, кулинарии [7].

С 2000-2001 учебного года в этих образовательных учреждениях было внедрено обучение на основе образовательных стандартов и учебного плана, разработанного Центром профессионального образования Министерства высшего и среднего специального образования совместно с отделом Государственных образовательных стандартов. Это обеспечило взаимосвязанность духовного и светского образования в училищах [1,8].

В 2017 году для образовательных учреждений были усовершенствованы учебные планы, например, в целях повышения интегрирования в общество выпускников женских средних специальных училищ в системе специальных религиозных предметов были увеличены часы, выделенные для социально-гуманитарных наук. В частности, в училище были введены такие новые предметы, как правовые основы органов самоуправления граждан, семейное право, семейная психология, возрастная физиология и гигиена, методика организации духовно-просветительских работ [4].

В частности, в 2019-2020 учебном году в системе обучения в медресе “Жуйбори Калон” в Ташкенте количество часов гуманитарных и общественно-экономических наук на I-курсе составляло: история

Узбекистана – 36 часов, гражданское общество – 36 часов, религиоведение – 36 часов, русский язык – 108 часов, иностранный (английский) язык – 144 часа, а по направлению математики и естественно-научных предметов: математика – 36 часов, информатика и информационные технологии – 36 часов, география – 36 часов, педагогика и психология – 36 часов [9].

Следует подчеркнуть, что выпускники религиозных учебных заведений Узбекистана получают возможность продолжить научную работу не только в области религии, но и в высших учебных заведениях различных государственных структур. Например, выпускницы женских медресе могут работать советниками по женским вопросам в органах самоуправления махаллей, хокимиятов, советниками по женским вопросам в областных и районных отделениях Управления мусульман Узбекистана, ее помощниками [4].

В этом смысле наука о гражданском обществе была представлена как научная программа для студентов первого курса, чтобы они могли понять основы построения сегодняшнего демократического общества. Поскольку Узбекистан идет по пути построения активного гражданского демократического общества, важно понимать потребности общества, гражданского общества, роль неправительственных организаций, права человека. В научную программу были включены такие темы, как правовая база для развития гражданского общества в Узбекистане и основные направления обеспечения верховенства закона и др. В качестве Основных учебников предназначались Конституция Республики Узбекистан и Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года о Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан и другие учебники по данной тематике [12].

Можно сказать, что преподавание истории и географии - одно из требований времени в воспитании всесторонне развитого человека. Эти дисциплины помогают студентам расширить свои исторические и географические знания, воспитывать их в духе преданности Отечеству и патриотизма, обогатить их мировоззрение и понять национальные исторические ценности и их сущность. В этом смысле основными темами истории являются история Узбекистана с древнейших времен до современной независимости. Основными учебниками и литературой являются учебные пособия и учебники по истории Узбекистана [13]. Следует отметить, что учебная программа по историческим предметам повторяет учебную программу по истории 6-11 классов, преподаваемых в системе средней школы, то есть учащиеся медресе, окончившие среднюю школу, повторно изучают эти предметы с кратким обзором.

Программу географии составляют общая характеристика таких тем как современная политическая карта мира, география природных ресурсов, население мира и урбанизация, мировая промышленность, транспорт, место Узбекистана в мировом сообществе, Европа, Азия, Северная Америка, Африка, география Республики Узбекистан. Содержание этих тем дает учащимся общее представление о географии [11]. В учебной программе «Религиоведения» включает в себя первые религиозные верования, Древний Египет, Месопотамия, Греция и Рим, конфуцианство, этноконфессиональный ландшафт современного мира и др. Содержание этих тем определяет задачи студентов по развитию чувства межрелигиозной терпимости, толерантности и уважения к культуре разных народов [6].

Как было сказано выше, выпускники специалистов связанных с религией взаимодействуют с людьми разного

происхождения в обществе, и в процессе обучения им важно иметь знания в области педагогической психологии [14]. Из данных включённых в учебную программу психологии педагогические и психологические технологии современного обучения видно, что формируются опыт и навыки, которые потребуются выпускникам исламских средних специализированных учебных заведений в их трудовой деятельности [15].

Внедрение таких дисциплин так как английский, культура речи и делопроизводство на государственном языке, эстетика, основы экономики и бухгалтерского учета и предпринимательства [9] позволит выпускникам работать в различных государственных и негосударственных организациях, а обучение бухгалтерскому учету и основам предпринимательства позволит им взять вектор направления в получении работы. Это создаст условия для проверки своих способностей и возможностей в других сферах современного общества.

Следует отметить, что такие меры в исламских средних специальных учебных заведениях, т.е. преподавание социальных наук, с одной стороны, направлены на подготовку религиозных кадров в соответствии с современными требованиями, с другой стороны, некоторые студенты не приемлют изучение этих предметов. В частности, повторение учебной программы

средней школы по таким предметам не получило положительной оценки в ходе интервью, проведенных с большинством студенток женских учебных заведений [10].

Заключение. Изучение общественных наук играет важную роль в формировании человека как личности, развивает критическое мышление, общечеловеческое социальное воспитание, пониманию актуальных задач государственной политики, выработки навыков правильной, объективной оценки событий. Программа общественных наук, преподаваемых в духовных образовательных учреждениях (в основном, религиоведение, история Узбекистана, география), повторяют учебную программу средних образовательных учреждений. В этом отношении следует заново пересмотреть программу, дополнить её темами, близкими к предметам по основной специальности. В целом, преподавание общественных наук в системе образования играет важную роль для дальнейшего совершенствования воспитательной работы, расширения кругозора духовных кадров, повышения знаний в сфере науки, формирования всесторонне развитых кадров.

Статья подготовлена при поддержке публичной ассоциации "Association of Educational Development" в рамках реализации научно-исследовательского проекта история образование женщин мусулманок в Узбекистане.

ЛИТЕРАТУРА

1. Абдуллаева Ш. "Жуйбори Калон" аёл-кизлар ислом ўрта махсус билим юрти // Ҳидоят. – 2010, № 8. – С. 6.
2. Агзамходжаев С. Современное состояние исламского образования в Узбекистане // Россия и мусульманский мир. – М., 2010. № 11 (221). – С. 124-133.
3. Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1998 г., № 5-6, ст. 99 // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 52, – 513 с.
4. Ибрагимова Н. Ҳар онимиз илму ихлос сабоғи // Мўминалар. 2018, № 1. – С. 22-23.
5. Архив Управления мусульман Узбекистана. 171-фонд. Протоколы. 12 август 1991 г.
6. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., ва бошқ. Диншунослик. – Т.: Мехнат, 2004. – 296 б.; Очилдиев О., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н. ва бошқ. Диншунослик асослари (ўқув кўланма). – Т.: ТИУ, 2013. – 320 б.
7. Национальный Архив Узбекистана (далее НАУз), М. 152, оп. 1, д. 21, лл. 242-244.
8. НАУз, М. 152, оп. 1, д. 3, лл. 34-35.
9. Учебный планы средне-специальных исламских учреждений Узбекистана за 2019-2020 учебные годы.
10. Полевые материалы автора. Беседа интервью с бывшими студентами медресе в Бухаре. – Август, 2021 г.
11. Geografiya (Amaliy geografiya). O'rta ta'lim muassasalarining 10-sinfi va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarining o'quvchilari uchun darslik. Mualliflar: Sh.Sharipov va b. – Т.: O'ME, 2017. – 160 б.
12. Jo'rayev S. Fuqarolik jamiyati: nazariya va amaliyot. – Т.: TDSHI, 2003. – 364 б.
13. O'zbekiston tarixi. Darslik. Mualliflar: Usmonov Q. va boshqalar. – Т.: Sharq, 2007. – 328 б.; O'zbekiston tarixi. O'quv qo'llanma. Mualliflar: Shamsutdinov R. va boshq. – Т.: Sharq, 2013. – 671 б.
14. Tolipov O.Q., Barakayev M., Sharipov Sh.S. Kasbiy pedagogika (Ma'ruzalar matni). – Т.: Ofset print, 2001. – 100 б.
15. G'oziyev E.G. Psixologiya: Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. O'z Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi markazi. – Т.: O'qituvchi NMIU, 2008. – 352 б.



УДК: 9(575.141)

Шерзод ХОЛИҚУЛОВ,
Самарқанд давлат университети тадқиқотчиси
E-mail: sherzod0102@mail.ru

СамДУ доценти, т.ф.д. Б.Эргашев тақризи асосида

FROM THE HISTORY OF NOTARIAL OFFICES IN THE TURKESTAN REGION IN THE LATE XIX - EARLY XX CENTURIES (ON THE EXAMPLE OF SAMARKAND REGION)

Abstract

Current article discusses the measures taken by the Russian colonial administration to reform the judicial system in Turkestan, including the creation of a notary system in the region. On the basis of archival sources, the activity of notary offices created in the Samarkand region and its cities, acting notaries or authorized persons performing their duties, i.e. justices for foreign citizens, is analyzed.

Key words: Notary, magistrate, notary archive, account book, documents related to notarial offices, Regulations on notarial parts.

ИЗ ИСТОРИИ НОТАРИАЛЬНЫХ КОНТОР В ТУРКЕСТАНЕ В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВВ. (НА ПРИМЕРЕ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ)

Аннотация

В статье рассматриваются меры, принятые российской колониальной администрацией по реформированию судебной системы в Туркестане, в том числе создание в крае нотариальной системы. На основе архивных источников анализируется деятельность нотариальных контор, созданных в Самаркандской области и входящих в нее городах, действующих нотариусов или уполномоченных лиц, исполняющих свои обязанности, то есть мировых судей.

Ключевые слова: нотариус, мировой судья, нотариальный архив, книга описей, документы нотариальных контор, Положение о нотариальной части.

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА НОТАРИАЛ ИДОРЛАР ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Аннотация

Мақолада Россия мустамлакачилик маъмуриятининг Туркистон ўлкасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширган тадбирлари, шу жумладан, ўлкада нотариал идоралар тизимини йўлга қўйиш борасидаги чора-тадбирлари ҳусусида сўз юритилади. Архив манбаларига таянган ҳолда Самарқанд вилояти ва унинг таркибига кирувчи шаҳарларда ташкил этилган нотариал идоралар, фаолият кўрсатган нотариуслар ёки уларнинг вазибаларини бажарувчи ваколатли шахслар, яъни мировой судьялар фаолияти таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Нотариус, мировой судья, нотариал архив, қайднома дафтари, нотариал идораларга тегишли ҳужжатлар, нотариал қисмлар ҳақидаги Низом.

Кириш. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасининг босиб олиниши ва бу ерда ўзига хос бошқарув тизимининг ўрнатилиши ўлкада амалга оширилган турли соҳаларга дахлдор ислохотлар билан боғлиқ эди. Жумладан, 1864 йилдаёқ Россия империясида амалга оширилган суд ислохоти Туркистон ўлкаси учун ҳам кейинги даврда босқичма босқич жорий қилиб борилди[1]. Жумладан, Россия империяси Адлия вазирлиги томонидан Ҳукумат сенатига ўлкада нотариал идоралар фаолиятини йўлга қўйиш масаласида бир қатор таклифлар жўнатилган эди. Шунга мувофиқ, 1889 йил 10 январда Россия империяси Давлат Кенгаши томонидан Туркистон ўлкасида нотариал қисмлар ҳақидаги Низом жорий қилинди[2]. Унда ҳусусан, қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилди:

- Туркистон ўлкасида нотариал идоралар “Нотариал қисмлар ҳақидаги Низом” ва унга қўшимча сифатида киритилган фармонлардан келиб чиқиб таъсис этилади (202-модда);

- Нотариус лавозимини эгаллашга ариза бермаган ҳудудларда ушбу лавозимни бошқариш участка мировой судьялари зиммасига юклатилади (203-модда). (Ушбу

моддада шунингдек, нотариусларни лавозимга тайинлаш, мансабидан озод қилиш, улар фаолиятини тартибга солиш вилоят суди зиммасига ўтказилиши белгиланган – X.Ш.);

- Шунингдек, жиноят қилган нотариуслар иши вилоят судига кўриб чиқиш учун топширилган ва вилоят суди раислигида суд мажлиси ўтказилиши белгиланган;

- Ҳар бир вилоят суди қошида нотариал архив ташкил этилиши лозим бўлган. Суд қарорига кўра, вилоят суди ушбу муассасадаги аъзолардан бирига бош нотариус вазифасини бажариш ваколатини берарди;

- Нотариуслар ёки уларнинг ўрнини босувчи мировой судьялар, бош нотариус мажбуриятларини бажарувчи вилоят суди аъзоси томонидан қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилганда иш юритиш вилоят суди зиммасига ўтиши белгиланди. Вилоят суди ваколатларини тасдиқлаш эса Ҳукумат Сенати суд департаментига бериларди (203-модда 1-4 бандлар);

- Нотариуслар ёки уларнинг вазифасини бажарувчи мировой судьялар томонидан бош нотариусга тасдиқ учун жўнатиладиган ҳужжатлар кўчирмалари почта хизмати орқали жўнатилиши лозим бўлган (204-модда) ва б.

Туркистон ўлкасида нотариал қисмлар ҳақидаги Низомни жорий қилиш бўйича Давлат Кенгаши фикрининг тасдиқланиши муносабати билан Туркистон ўлкасида нотариуслар сони қуйидаги тартибда белгиланган:

1. Сирдарё вилояти, Тошкент шаҳрида - 2 та, Чимкент, Авлиёта, Перовский, Казалинск уезд шаҳарларида, шунингдек, Петро-Александровскда - 1 та;

2. Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳрида - 1 та, Каттақўрғон, Хўжанд ва Жиззах уезд шаҳарларида ҳам - 1 та;

3. Фарғона вилояти маркази Янги Марғилон шаҳрида - 1 та, Қўқон, Андижон, Наманган ва Ўш шаҳарларида ҳам 1 та нотариал идора фаолият кўрсатиши белгиланган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Туркистонда суд ва нотариал идоралари фаолияти бир қанча муаллифлар илмий изланишлари натижаси бўлган. Туркистон ўлкасида Россияси судлов тизими асосларининг яратилиши тарихи борасида Н.И. Крафт, В.Н. Каплун, Н. Фиолетов, С.Н. Трегубов, Н. Ликошин, Н.Маев, В. Наливкин сингари рус маъмурлари, сайёҳлари ва тарихчиларининг қайдлари ва асарлари бирламчи манба саналади. Н.И. Крафт, В.Н. Каплун, С.Н.Трегубов, Н. Фиолетов, Н. Вошинин, В. Гессен ва бошқаларнинг асарларида Туркистонни бошқариш бўйича қонунчилик актлари, судлов тизими, янги давлат муассасалари тизимларини жорий қилиш тўғрисидаги аниқ маълумотлар сақланиб қолган.

Туркистонда суд ва нотариал идоралар фаолияти хориж тарихшунослигида Д. Броуэр, Р.Д.Крюс, А. Донелли, Ж.Т. Мэтью каби мутахассислар томонидан ўрганилган. Шунингдек, замонавий тарихшуносликда И.В. Анисимова, А.Солиев, Д.А. Глазунов, К.Л. Васин, Л.С. Нестеренко сингари тарихчилари ушбу масала борасида ўз қарашларини баён қилганлар.

Асосий қисм. Хужжатда белгиланишича, жойларда нотариал идораларни очиш ва нотариусларни белгилаш вилоят ҳукумат идоралари томонидан Туркистон генерал-губернаторига тақдимнома йўллаш ва у орқали Адлия вазирлигига етказиш билан белгиланган[3; 21]. Шу асосда Самарқанд вилоятида нотариал идоралар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилган:

1889 йилнинг 28 июлида Адлия вазирлиги бошқарув бўлимининг Самарқанд вилоят суди раисига юборилган № 20685 рақамли йўлланма хатида белгиланишича, шу йилнинг 1-июлида Самарқанд вилоятида нотариал идора ташкил этиш бўйича қабул қилинган № 412 сонли билдиришномада Самарқанд шаҳрида ташкил этилаётган нотариал архивни вилоят суди биносида ташкил этилиши учун алоҳида хона ажратиш ва уни жиҳозлашга маблағ ажратиш сўралган. Ушбу билдиришга Адлия вазирлиги сўралган 2200 рубл миқдоридagi маблағ вазирлик ғазнасида йўқлиги, шунингдек 1887 йилда вилоят суди биноси идора жиҳозлари билан таъминланганлиги важи билан рад жавобини берган. Шу билан бирга архив маълумотларини ўрганиш давомида маълум бўлишича, Самарқанд шаҳар нотариуси лавозимини 1890 йилнинг 17 февралдан П.Н.Герасимов бажариши тўғрисидаги билдириш берган. Хужжатда қайд этилганидек шу вақтгача нотариус вазифасини бажариб келган Самарқанд уезди мировой судяси барча ваколатларни Герасимовга топширган. Бу алоҳида ҳисобот тарзида Адлия вазирлигига йўлланган[3; 34,40].

Самарқанд вилоят суди раиси “Нотариал қисмлар ҳақидаги вақтинчалик Низом”нинг 10-моддасига асосан

Каттақўрғон, Хўжанд ва Жиззах шаҳарларидаги вакант нотариус лавозимига ишга кириш истагида бўлганларни танлов асосида бўш нотариус лавозимига ишга чорлайди. Қонунчиликка қўра, Нотариал қисмлар ҳақидаги Низомнинг 5-моддасида кўзда тутилган талабларга жавоб берган шахслар вилоят судига 1000 рубл миқдорда бож тўлаши белгиланган[3; 24]. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, фақат Самарқанд шаҳрида нотариал идора очиш ва нотариуслик учун давлат божини 2000 рубл қилиб белгилаш тақлиф қилинган[3; 19].

Самарқанд вилоят Суди раиси томонидан “Окраина” газетасига нотариуслик лавозимини эгаллаш учун эълон берилган[3; 23]. Шунга қўра, Каттақўрғон шаҳар нотариуси лавозимига дворян Н.К.Просин[5; 36], Хўжанд шаҳар нотариуси лавозимига коллеж регистратори С.А.Сарумовни тайинлаш белгиланган[6; 59].

Самарқанд вилоят суди томонидан белгиланганидек, 1890 йилнинг 15 февралда Каттақўрғонда Бурнашев уйида, 17 февраль Самарқанд шаҳрида Александровск кўчаси Кузнецов уйида нотариал идоралар очилиши белгиланган[3; 42].

1890 йилнинг 16 январиди Самарқанд вилоят суди раиси П.П.Малишевский суд аъзоси, бош нотариус лавозимини бажарувчи В.И.Тихомиров ва Самарқанд вилоят прокурори А.А.Ресслер томонидан тузилган баённомада Н.К.Просинни кичик нотариус лавозимига синовдан ўтказиш, бунда даъвогарнинг нотариус сифатида хужжатларни тўғри тўлдириш, уларни ҳаракатга келтириш бўйича кўникмасини текшириш масаласи белгиланган. Баённома мазмунига қўра, Просин синовдан муваффақиятли ўтган. Хужжатларни ўрганиш давомида даъвогарнинг Каттақўрғон шаҳар нотариуси лавозимига тайинлангач ўзи учун очилган махсус пакетга 1000 рубл миқдорда давлат бож тўлаганлиги тўғрисида баённома расмийлаштирилганлигини қўриш мумкин[4; 12]. Вилоят суди раиси Малишевский 1889 йилнинг 6 февралда шу йилнинг 10 январиди тасдиқланган Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низомнинг 203-моддасига асосланиб, Просинни Каттақўрғон шаҳар нотариуси лавозимига тайинлаш ҳақида буйруқ чиқарган. Просиннинг нотариус лавозимида иш бошлаши борасидаги мажлисида баённомаси ва унинг қасамёди шу ишнинг 15-16 бетларига алоҳида хужжат сифатида киритилган. Бу нотариуснинг кейинги фаолияти ўрганилганда, унинг 1891 йил 22 январиди Каттақўрғон шаҳар нотариус лавозимидан бўшатирилганлиги ва шу муносабат билан унинг ваколатлари Каттақўрғон уезди мировой судяси, маслаҳатчи А.П.Миров зиммасига ўтказилганлиги маълум бўлди[4; 24, 25].

Ушбу фонднинг 1-руйхат, 170-иши “Самарқанд вилоят суди округларига нотариус лавозимига номзодлар ҳақида” деб номланади. Мавжуд 17 варақда асосан Самарқанд шаҳар нотариуси лавозимига бўш ўринга ишга кириш ҳақидаги сўровнома ва ишга кириш ҳақидаги хужжатлар жамланган. Ишда С.Д.Туяхов, 157-пиёда кўшинлар Имеретин полки поручиги Трикс, Боку округ суди котиби ёрдамчиси, истеъфодаги коллеж котиби Д.И.Тер-Акоповнинг хужжатларини қўриш мумкин. Хужжатларни ўрганиш давомида шу нарса маълум бўлдики, нотариус лавозимини эгаллаган шахслар қуйидаги хужжатларни тақдим этишлари лозим бўлган:

1. Хизматни борасидаги аттестат;
2. Номзоднинг нотариуслик кўникмалари синовдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома;
3. Иш жойидан маълумотнома[6; 7,8,11,12].

Шунингдек, 1890 йилнинг 9 январ санасида Самарқанд уезди мировой судясига 89-рақам остида йўлланган хатда

1. Самарқанд вилоят нотариал архивини ташкил қилиш;

2. Кичик нотариуслар вазифаларини қайта кўриб чиқиш ва нотариусларни лавозимга тайинлаш лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Архивининг 310-фонд 2073-2077 йиғма жилдларда аҳоли шикоятлари бўйича суд мажлислари баённомалари акс этган. Шуниси эътиборлики. суд жараёни раис, суд аъзолари, прокурор ва котиб иштирокида ўтказилган, бироқ ҳеч қаерда нотариус номи қайд этилмаган. Бундан кўринадики, нотариуслар зиммасидаги вазифаларни баъзан мировой судьялар бажарган[7]. 148 - фонд 1-руйхат 33-йиғма жилд Самарқанд шаҳар нотариуси П.Н.Герасимовнинг Самарқанд вилоят суди ҳузурдаги бош нотариусга юритилган ишлар юзасидан ҳисоботларини ўзида жамлаган.

Нотариуслар фаолияти вилоят судлари томонидан белгиланган тартибда тафтиш қилинган. Архив ҳужжатларини ўрганиш давомида уларнинг айримларини кўриб чиқишга муваффақ бўлинди. Хусусан, Жиззах уезди мировой судясига Н.И.Крохмалнинг нотариуслик вазифаси бўйича қуйидаги хулосаларга келинган.

1. Тафтиш қунига қадар нечта крепостнойлик шартномалари тузилган - 1 та,

2. Тафтиш қунига қадар нечта қақирув шартномаси тузилган – 3370 рубл миқдоридagi 11 та,

3. Ҳужжатларнинг ҳолати қандай – имзоланган шартномалар, протест, гувоҳлик бериш, шунингдек ерни ижарага бериш мажбуриятлари ва бошқа шу каби шартномаларни қайд этиш реестри – талаб даражасида,

4. Кўчмас мулк бўйича шартномалар китобининг ҳолати – талаб даражасида. 1 та шартнома имзоланган.

Шу йилнинг 2-3 май кунлари Хўжанд уезди мировой судясига Т.П.Игнатъевнинг фаолияти тафтиш қилинганда судьянинг нотариус мажбуриятлари бўйича қуйидаги хулосаларга келинган. “Йил бошидан тафтиш қунигача мировой судья томонидан 3 та олди - сотди шартномаси ва 1 та ерни ижарага бериш билан боғлиқ шартномани ҳаракатдан тўхтатиш ҳақидаги келишув амалга оширилган, улар далолатнома китобига киритилган. Ушбу китоб кўздан кечирилганда мировой судья ҳужжатларнинг айримларини расмийлаштиришда хатоликларга йўл қўйганлиги, яъни зарурий ҳужжатлар нусхасини тақдим қилмаганлиги вақидан уй - жой қай тартибда янги эгасига ўтганлиги ҳақидаги зарурий маълумотлар йўқлиги аниқланган. Тафтиш қунигача ундирилмаган йиғимлар бўйича китоб текширилганда шаҳар фойдасига 119 сўм 65 тийин йиғим олинганлиги ва

ғазнага топширилганлиги аниқланган. Ҳар ойда маҳаллий уезд бошлиғи томонидан бу китоб текшириб борилган. Нотариус сифатида баённомаларнинг расмийлаштиришни алфавит кўрсаткичи ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар маълумотнома китоблари мавжуд эмас. Бундан ташқари нотариуслардан талаб қилинадиган бошқа шу турдаги китобларнинг йўқлиги мировой судьянинг нотариус вазифасида тажрибасизлигини кўрсатади. Хулоса: Мировой судьянинг нотариал мажбурияти бўйича бажарган ишлари қониқарсиз деб топилди.” Тафтиш натижаларига кўра вилоят судлов ҳайъати томонидан Хўжанд мировой судига юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, яъни ҳар битта тузилган ҳужжатни маълумотнома китобига киритиш ва зарурий қайд китобларни йўлга қўйиш тавсия қилинди.

Котиб ёрдамчиси (имзо)[9; 31,33].

Янги Чоржуй шаҳри мировой судясига А.А.Протопопов фаолияти ўрганилганда ҳужжат юритиш давомида унинг ҳаражатлари ким томонидан қопланганлиги кўрсатилмаганлиги, нотариал реестр китобининг бетартиблиги ва хонада император олий ҳазратларининг портрети йўқлиги асосий камчилик сифатида кўрсатилган[9; 54].

Нотариус томонидан имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли кўрсаткич дафтари юритиб борилган. Гарчи охириги бир ой ичида бундай фуқаролар исми - шарифи алоҳида дафтарга киритилмаган бўлсада, нотариусга ушбу камчиликни бартараф этиш бўйича кўрсатма берилди.

Юқорида кўрсатилган ҳолат бўйича шунини маълум қилиш мумкинки, муҳтарам нотариус Герасимов ўз вазифасини виждонан, қонуний ва тартибли бажариб келмоқда.

Суд раиси Малишевский (имзо)

1891 йил 17 сентябрь”[10; 23].

Хулоса. Архив ҳужжатлари билан танишиш жараёнида маълум бўлишича, рус маъмурлари европалик аҳоли учун нотариуслар фаолиятини мувофиқлаштиришга ҳаракат қилишган. Негаки, маҳаллий аҳоли томонидан ҳали бу даврда қозилик ва бийлик судлари энг мақбул судлов тизими бўлиб, камдан-кам ҳоллардагина туб ерли аҳоли нотариусларга мурожаат қилишарди. Балки шу боисдан, Самарқанд вилоят суди томонидан ўтказилган тафтиш натижаларига кўра айрим шаҳарларда нотариал идоралар фаолиятини тугатиш, уларнинг ваколатларини эса мировой ва уезд судларига беришга қарор қилинган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги суд ислохотлари бу ерда нотариал идоралар фаолиятини йўлга қўйиш тадбирларида ҳам намоён бўлди. Бироқ, ўлканинг ички имкониятларини ҳисобга олмаган рус маъмурлари учун бу тадбирлар қўтилган натижаларни бермади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда Чор мустамлака тизими. Тошкент “Академия” нашриёти. 2002.
2. Положение об управлении по Туркестанскому краю. (Проект) Ташкент-1911.
3. ЎзРМА 310- фонд, 1-руйхат, 31- йиғма жилд, 21 орқа бет.
4. ЎзРМА 310- фонд, 1-руйхат, 186- йиғма жилд, 36-варақдан иборат.
5. ЎзРМА 310- фонд, 1-руйхат, 185- йиғма жилд, 59-варақдан иборат.
6. ЎзРМА 310- фонд, 1-руйхат, 170- йиғма жилд, 7,8,11,12-варақлар.
7. ЎзРМА 310- фонд, 1-руйхат, 2073, 2077- йиғма жилдлар.
8. ЎзРМА 148- фонд, 1-руйхат, 33- йиғма жилд, 54-варақ.
9. ЎзРМА 310- фонд, 1-руйхат, 48- йиғма жилд, 31-33 варақлар.
10. ЎзРМА И-506-фонд, 1-руйхат, 78-йиғма жилд, 23-варақ.
11. Худди шундай мазмундаги хатлар Каттақўрғон (№ 88), Жиззах уезди (№90) ҳамда Хўжанд уезди мировой судясига (№91) ҳам йўлланган // ЎзРМА 310- фонд, 1-руйхат, 31- йиғма жилд, 25, 25 орқа, 26-варақлар.